Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

1-йил чиқиши.
20 ДЕКАБРЬ 1966 й.
СЕШАНБА
№ 145
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Кино ходимлари муваффақияти

Бугун Тошкент шаҳар кинотеатрлари ходимлари катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Улар йиллик планни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортини бердилар. Пландан ташқари 23 минг сўм пул берилди. Кинотеатрлар сеанслар бўйича, томошабинлар бўйича ҳам ўз топшириқларини бажардилар. Айниқса «Чайка», Навоий номли ва бошқа кинотеатрларнинг коллективлари бу йил самарали меҳнат қилдилар.

Зилзила туфайли содир бўлган айрим қийинчиликларга қарамай, бу йил шаҳарда 30 та кўчма кинотеатр ишлади.

Пойтахтда келгуси йилда кинотеатрлар сони кўпаяди. Сергели, «Октябрь», Чилонзор массивларида, Оқлон, Жарқўрғон, Чигатой кўчаларида ҳамда Студентлар шаҳарчасида қишлик ва ёзлик кинотеатрлар бунёд этилади.

Мароқли дам олишади

Календарнинг сўнгги варақлари йиртиляпти. Яна бир неча кундан кейин мактаб ўқувчилари қишки каникулга чиқадилар.

Тошкент ёшларига бу каникуль нималар ҳадя этади? Мухбиримизнинг бу саволига Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими мактабдан ташқари ишлар бўлимининг инспектори Г. Е. Рояк қуйидагича жавоб қилади:

— Мактабларда, саройларда, шаҳар майдонлари ва театр биноларида кўркам ва чиройли қилиб ясатилган арчалар тошкентлик ёшларимиз ихтиёрида бўлади. Свердлов номли театр биносида ўрнатилган бўйи беш метрли ана шундай арча атрофида шаҳарнинг 40 мингга яқин қувноқ ёшлари давра қурадилар. Ленин номли пионерлар саройида намойиш қилинадиган арча спектакларини икки мингдан ортиқ ўқувчилар томоша қилади. Бу жойларга чорловчи таклиф билетлари пионерлар саройлари ва уйларидан пойтахтимиздаги завод ва фабрикаларга, йўлдош шаҳар — Сергелига ва Чирчиқ шаҳрига кўплаб юборилади.

Қорбобо ва Қорқиз ўз совғалари ва ажойиб саргузашт ҳикоялари билан эрҳатойларни қувонтиради. Улар учун бал уюштирилади.

Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими билан касаба союзлар пойтахт область союзи биргаликда ташкил этган Троицкийдаги пионерлар лагерида қиш кунларида мингга яқин болалар ҳордиқ чиқариб, дам олиб келадилар. Республика турист-экскурсиялар станцияси ўқувчиларнинг Москва, Ленинград, Ульяновск, Қозон каби шаҳарларга экскурсияларини уюштиради.

Театрларнинг спектакллари, кинофестивваллар, бадиий ҳаваскорлар кўриги ўқувчиларнинг кўнгилли дам олишларига мўлжалланган. Бундан ташқари, янги Тошкентни барпо қилаётган қардош республикаларнинг бинокорлари билан учрашувлар бўлади.

РОҲАТИЖОН СУТ

Озиқ-овқат дўконларида пишган сут пайдо бўлди. Бундай роҳатижон сут ишлаб чиқаришни Тошкентдаги сут комбинатининг коллективи қисқа вақт ичида ўзлаштирди.

Комбинатда сутни қоғоз халтачаларда чиқариш икки марта кўпайди. Бунинг учун сотиб олинган янги автоматнинг ишга туширилиши жуда ҳам қўл келмоқда. Натижада бир кеча-кундузда 20 тонна сутни қоғоз халтачаларда чиқариляпти.

Ҳозир корхонада яна бир цех биноси қурилаётир. Бу цех келгуси йилда ишга туширилади.



Пойтахтимиздаги «Тез ёрдам» кўрсатиш клиникаси шифохонаси ҳам зилзиладан зарарланган эди. Шундан кейин бу шифохона Оқтепа массивдаги собиқ физкультура ва спорт мактаб-интернати биносига кўчиб ўтди.

Ҳозир бу шифохонада даволанувчилар учун 700 ўрин мавжуд бўлиб, даволанувчиларга 160 врач ва 270 медицина ҳамшираси хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТДА: шифохона корпусларидан бири.

ТАТАР ШОИРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Мустафо Нуъмон татар халқининг таниқли шоири, филология фанлари кандидати. У шеърий асарлар ёзиш билан бирга Қозон университетида форс тилидан дарс беради. Шоирнинг «Кокушкино тонглари» поэмаси Москвада рус тилида ва Қозонда татар тилида босиб чиқарилган. Бу поэмада доҳиймиз В. И. Ленининг болалик чоғлари ҳикоя қилинади.

Бир неча кундирки, Мустафо Нуъмон республикамиз бўйлаб саёҳат қилиб юрибди. У Фарғона, Андижон, Ўш ва бошқа ерларда бўлиб, китобхонлар билан учрашди. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

Мустафо Нуъмон билан «Ленин учқуни» газетаси редакциясида учрашув бўлди. Ёшлар газеталари ва журналларининг ходимлари қатнашган бу учрашувда Мустафо Нуъмон атоқли адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини татар тилига таржима қилиб, ўз халқига тақдим этгани, «Кокушкино тонглари» поэмаси устида қандай ишлагани ҳақида сўзлади. Шоир бу поэмасининг «Ульяновлар келганда» қисмини ўқиб берди.

Татар ва ўзбек адабиётига бағишланган учрашув қизғин суҳбатлар билан якунланди.

140 ЎРИНЛИ ОШХОНА

Бугун Ленин район қурилиш трестининг қурувчилари янги ошхона биносини фойдаланишга топширишди. 140 ўринли бу ошхона марказий универмагнинг ёнгинасида.

Госпитал бозоридаги 1-ошхонанинг филиали ҳисобланган иккита ошхона ва кафе замонавий ускуналар билан жиҳозлантирилди. Уларда хўрандалар учун турли таомлар тайёрланмоқда. Н. Рўзиев О. Икромов, Б. Ўрунов каби моҳир пазандалар хўрандаларга намунали хизмат кўрсатишмоқда.

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КУРСИ

Бугун республика Маданият ходимларидан катта бир группаси ўз курсларини битириб, хизмат жойларига жўнаб кетдилар. Бу курсни Ўзбекистон касаба Союзлари республика Совети ташкил қилган эди.

Маданият ходимлари курснинг машғулотларида маданий-оқартув ишини пухта билган тажрибали мутахассис ва ўқитувчиларнинг қатор суҳбатларини тингладилар.

Маданият ходимлари курсининг тингловчилари Тошкентдаги тўқимачилар Маданият саройи, пойафзалчилар Маданият саройи, темир йўлчилар Маданият саройи ва бошқа кўпгина маданий муассасаларда бўлиб, уларнинг иш тажрибаларини ўргандилар, турли тадбирларни ўтказишда актив қатнашдилар.

Курс тингловчилари Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказиладиган бадиий ҳаваскорларнинг корхона, район, шаҳар, область кўрикларига қандай тайёргарлик кўриш ҳақида ўзларининг иш режаларини белгилаб олдилар.

НАВОИЙ ҚАБРИГА ЗИЁРАТ

Ўзбек классик шеъриятининг улкан вакили, мутафаккир Алишер Навоий туғилган кунинг 525 йиллиги муносабати билан бир группа ўзбек олимлари Афғонистонда бўлишди. Улар орасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти И. Мўминов, олимлардан Қори Ниёзий, Воҳид Зоҳидов, Ҳамид Сулаймоновлар бор эди. Ўзбек олимлари Афғонистон сафаридан қайтиб келишди. Академик В. И. Зоҳидов сафар таассуротлари ҳақида бундай деди:

— Биз Қобул, Қандоҳар, Ҳирот каби шаҳарларда бўлдик. Улуғ шоиримиз Навоий қабрига Ўзбекистон диёрининг муаттар исли гулларидан гулчамбар қўйдик. Навоий ишлаган, яшаган, ижод этган жойларни зиёрат қилдик.

Шоир қабрини ободонлаштириш учун Афғонистон Маданият ва ахборот министрлиги бир қатор ишларни олиб бормоқда.

Биз афғон олимлари Фикр Саржуқий, Ҳабибий ва бошқалар билан Навоий дунёқараши, асарларининг маъно ва мазмуни ҳақида илмий фикрларни ўртоқлашдик.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУНГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎРТА ОСИЁДА БИРИНЧИ

Тошкентдаги В. И. Ленин номли Давлат университети қошида ижтимоий фан ўқитувчилари малакасини ошириш институти ташкил қилинди. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари Анвар Аъзамович Аъзамхўжаев билан суҳбатда бўлди.

— Ҳозирги пайтга қадар бундай институтлар фақат Москва ва Киев университетларидагина мавжуд эди, — дейди ўртоқ Аъзамхўжаев.— Партия ва ҳукуматимизнинг махсус қарори билан Иттифоқимизнинг Ленинград, Урал, Саратов, Тошкент шаҳарларидаги университетлар қошида ҳам ана шундай институтлар ташкил қилинди.

Университетда бир йилда икки марта машғулот олиб борилади. Унда партия тарихи, фалсафа, сиёсий иқтисод кафедралари бўлиб, ўқишлар фаннинг ана шу соҳалари бўйича олиб борилади. Биринчи машғулотни келгуси йилнинг февраль ойида бошлашни мўлжалламоқдамиз. Унда ўқишга 50 киши таклиф қилинади. Шундан кейин ёз ойларида бошланадиган машғулотларга 200 киши таклиф қилинади. Тингловчилар — Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги олий ўқув юртларининг кафедра бошлиқлари, доцентлар ва ўқитувчилар. Машғулотларда партия тарихи бўйича қатор лекциялар тинглашдан ташқари, катта илмий ишлар ва диссертацияларнинг темалари ҳам муҳокама қилинади ва қизғин мунозаралар олиб борилади. Бошқа группаларда ҳам ўқиш шу зайлда бўлади.

Москва, Ленинград, Киев, Тошкент шаҳарларининг етук академиклари, олимлари, фан докторлари институтда лекциялар ўқиш учун таклиф қилинади.

ЎҚУВ ЙИЛИ ДАРСЛИКЛАРИ

«Ўқитувчи» нашриёти янги, 1967—1968 ўқув йили учун дарсликлар тайёрламоқда. Бу дарсликларни Бирлашган нашриёт ва Янгийўл босмахоналарининг меҳнатсевар коллективлари босиб чиқармоқда. Булар ўрта мактабларнинг бошланғич ва 5—8 синфлари учун мўлжалланган дарсликлардир.

Бугун республика китоб базаси коллективи 15 номдан иборат 1 миллион 700 минг нусхада янги дарсликларни қабул қилиб олди. Китоблар республикамизнинг турли шаҳарларига жўнатила бошланди.

Пўлат изларда

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг А. Чурбаков бошлиқ участка йўл қурувчилари трамвайлар қатновини яна ҳам яхшилаш, тор йўлларни кенг йўллар билан алмаштириш ишларини тезроқ бажариш учун куравшиб, яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Улар Навоий театри қаршисидаги трамвай айланадиган жойда 500 метр узунликдаги пўлат изларни қайта реконструкция қилиб, ўз устларига олган вазифани муддатидан илгари тугалладилар.

Тошкент қурилишларига

Москва шаҳар Совети пойтахт қурилиш материаллари саноати бошқармасининг ташаббусини маъқуллади. Бошқарма Тошкентда янги уй-жойлар бунёд этаётган москвалик бинокорларга ўз вақтида қурилиш материаллари етказиб бериш ҳақида бир қатор тадбирлар белгилаган. Бу тадбирларга кўра, Узбекистон пойтахтидаги заводларда ёғоч-ли пиллапоялар, девор блоклари ва панеллар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади. Заводларда бундай маҳсулотлар бир йилнинг ўзида 42 минг кубометр ишлаб чиқарилади.

Булардан ташқари қурувчиларга бетон, темир-бетон, карамзит-бетон наби маҳсулотлар ўз вақтида етарли миқдорда етказиб берилади.

ИЖОДИЙ ҲИСОБОТ

Москвага Давлат мукофоти лауреати рассом Чингиз Ахмаров асарлари кўргазмаси намойиш қилиш учун юборилди. Рассом кўргазмасида китобларга ишланган безаклар, театр спектакларига ишланган эскизлар ва бошқа ижод намуналари бор. Чингиз Ахмаров Алишер Навоийнинг «Лирика» тўпламига ранг-баранг мазмунли безаклар ишлаб шуҳрат қозонган эди. Бу санъаткор ўзбек санъатининг фахри бўлмиш Катта театр биносини безаш ишларида ҳам ўзининг санъатини, маҳоратини намойиш қилди. Шу кунларда у Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг биноси учун ҳар хил расмлар ишлашни тугатмоқда.

Москванинг талабчан томошабинлари шу йилнинг ўзида Ўзбекистон рассомларидан уч кишининг шахсий кўргазмасини томоша қилдилар. Улар халқ рассоми керамист Муҳиддин Раҳимов, мўйқалам соҳиби О. Татевосян асарлари кўргазмасига ижобий баҳо бердилар.



Комсомол аъзоси Сарвар Сатторов пойтахтдаги экскаватор ремонти заводининг пешқадам электр пайвандчиларидан бири ҳисобланади. У мунтазам равишда ойлик ва смена топшириқларини ортиғи билан адо этади, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 13-кечки ишчи-ёшлар мактабининг 10-синфида ўқийди.

ОҲАНРАБО СЎЗЛАР

Тошкентдаги музика асбоблари фабрикасида бўлганмисиз? Унинг цехлари катта концерт залининг машғулот хоналарига ўхшайди. Эрталабдан кечгача ранг-баранг музика овозлари эшитилиб туради. Бу ерда ўзбек миллий музика асбобларидан рубоб, дутор, дойра сингари кўп хил сўзлар меҳр билан ишланади.

Сўз усталаридан Аб. дулла Йўлдошев, Мирза Юсупов, Яков Ариснин ва бошқалар созларни пишиқ ва оҳангдор овозли қилиб ишлашади. Коллектив созларни жуда ҳам сифатли ишлаганлиги учун СССР Халқ Хўжалиги ютуқлари виставкасининг кумуш медалини олишга сазовор бўлди.

Бу фабриканинг маҳсулотларига Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги санъат дарғоҳларининг ишқи тушиб қолган. Улар ҳар йили юзлаб музика асбоблари буюртадилар. Ана шундай буюртмалардан бири Туркманистондан олинди. Туркман дўстларимиз учун 200 дан ортиқ асбоб тайёрлашга киришилди.

МАДАНИЯТ ЎЧОҒИДА

Ўзбекистон композиторлар Союзи клубида халқ музика маданияти университетининг навбатдаги концерт-лекцияси бўлиб ўтди.

Гоятда қизиқарли ўтган бу кечада Ҳамза номли музика билим юртининг ўқитувчиси В. Савранский «Совет қўшиқлари» деган темада лекция ўқиди. Кеча охирида Узбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Баҳром Мавлонов, Туркистон ҳарбий округи қўшиқ ва рақс ансамбли ҳамда 53-мактабнинг ҳаваскорлари ижросида катта концерт берилди.

Кеча қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Иккикорпус тайёр

Тошкентдаги 3-тўғруқхонанинг ҳовлиси жуда ҳам гавжум. Бу ерда ҳамширалар ва хизматчилар каравотларни ёруғ ва озода бинога олиб кирмоқдалар. Деразаларга пушти пардалар тутилмоқда. Хоналар меҳр билан жиҳозлантирилмоқда.

Тўғруқхона биноси зилзиладан шикаст кўрган эди. Бинони 10-қурилиш трестининг 56-қурилиш бошқармаси бинокорлари қисқа вақт ичида ремонт қилиб бердилар. Улар битта ошхона, иккита консультация хонаси, битта операция хонасини сифатли ремонтдан чиқардилар. Натижада 250 ўринли геникология корпуси асли ҳолига келди. Булардан ташқари, яна 280 ўринли корпус ремонтдан чиқарилиш арафасида турибди.

Оналар ва болаларга яхши шароит яратиш мақсадида меҳнат қилган Иканолиус Никис бошлиқ бинокорлар шифокорларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Эсперанто тилига бағишланди

Ленин номли Тошкент Давлат университетининг роман-герман факультетида лингвист Людвиг Заменгофга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечани республика Фанлар академиясининг Олимлар уйидаги эсперанто секцияси ташкил қилган.

Кечага йиғилганлар ер юзида эсперанто тилининг обрў қозонаётганлиги ва эсперанто тилига доир асарлар нашр этилаётганлиги ҳақида турли маълумотларни билишга муяссар бўлдилар. Кечада Испания, Франция, Югославия, Япония, Польша каби мамлакатларнинг эсперанточилари юборган магнит пленкалари эшиттирилди. Бу пленкаларда порлоқ келажакни, бахтиёр ёшликни мадҳ этувчи ашулалар, табрик сўзлари ёзилган эди. Эндиликда роман-герман факультетида ҳам эсперанто секцияси ишлай бошлади.

Қисқа хабарлар

★ Тошкентдаги П. Беньков номли республика бадиий билим юртида ёш рассомларнинг асарлари кўргазмаси очилди. Дипломантлардан С. Раҳимовнинг «Дугоналар», Г. Бойматовнинг «Гимнастикачи қизлар», В. Вязигиннинг «Бахт», М. Мелешченковнинг «Шох Салтан ҳақида эртак» каби асарлари муваффақият билан намойиш қилинди. Улар Москвада Бутуниттифоқ ёш рассомлар виставкасида намойиш қилиш учун йўлланма олди.

★ Октябрь колхоз бозори территориясида якка тартибда буюртма қабул қилувчи мебеллар салони очилди.

★ Октябрь райони медикларининг навбатдаги кенгаши болалар муассасаларига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш масаласига бағишланди. Кенгашда шу масала юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ II СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

МОСКВА, 19 декабрь. (ТАСС). Еттинчи чақирик СССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. Бугун эрталаб соат 10 да Катта Кремль Саройида Миллатлар Советининг мажлиси очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, А. Н. Шелепин, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, Б. Н. Пономарев** ўртоқларни самимий кутиб олдилар.

СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси депутат Н. К. Байбаков ва СССР молия министри депутат В. Ф. Гарбузовнинг докладлари юзасидан депутатлардан меҳнаткашлар депутатлари Тбилиси шаҳар ижроия комитетининг раиси **Ш. Е. Бухраш-вили,** СССР граждан авиацияси министри **Е. Ф. Логинов,** Петрозаводск уй-жой қурилиши трести 4-қурилиш-монтаж бошқармаси участка бошлиғи **А. П. Кузьмин,** Татаристон АССР Министрлар Советининг Раиси **Г. И. Усмонов,** Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Г. А. Арзумянян,** КПСС Коми область Комитетининг биринчи секретари **И. П. Морозов** сўзга чиқдилар.

Миллатлар Совети докладлар юзасидан музокараларни тўхтатишга қарор қилди.

* * *

МОСКВА, 19 декабрь. (ТАСС). Бугун кундуз соат 2 да Катта Кремль Саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бошланди.

Депутатлар ва меҳмонлар **Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, В. В. Шчербицкий, Ю. В. Андропов, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев** ўртоқларни самимий кутиб олдилар.

Раислик қилувчи Иттифоқ Советининг раиси **И. В. Спиридонов** КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, депутат Л. И. Брежневни туғилган куни билан ва унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилганлиги билан ҳозир бўлганларнинг гулдурос қарсаклари остида депутатлар номидан, СССР Олий Совети номидан қизғин ва самимий қутлади.

Сўнгра СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси, депутат **Н. К. Байбаков** якунловчи нутқ сўзлади.

СССР Молия министри, депутат **В. Ф. Гарбузов** якунловчи нутқ сўзлади.

Ҳар икки палатанинг депутатлари СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлисида алоҳида-алоҳида овоз бериб, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1967 йилги давлат плани тўғрисидаги Қонунни бир овоздан қабул қилдилар.

Депутатлар даромадлар ва харажатлар бўйича СССРнинг 1967 йилги давлат бюджетини палаталар бўйича алоҳида-алоҳида асдиқладилар. Сўнгра СССРнинг 1967 йилги давлат бюджети ҳақидаги Қонун бир овоздан қабул қилинди.

СССРнинг 1965 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақидаги Қарор ҳам бир овоздан қабул қилинди.

Шундан кейин СССР Олий Советининг сессияси СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлашга ўтди. СССР Олий Совети Президиумининг секретари, депутат **М. П. Георгадзе** доклад қилди.

Депутатлар СССР Олий Совети Президиумининг олдинги сессиядан кейинги даврда қабул қилган фармонларини тасдиқлаш тўғрисида Қонунлар ва Қарорлар қабул қилдилар.

Шундан сўнг СССР Олий Совети Конституция комиссияси составини тўлдириш тўғрисидаги таклифни қараб чиқди.

Конституция комиссияси составига ана шу комиссиянинг составдан чиқиб қолган ёки ҳозирги вақтда СССР Олий Советининг депутатлари бўлмаган аъзолари ўрнига 33 депутат сайланди.

Шу билан еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

Навқирон йўлдош-шаҳар Сергели нун сайин обод бўлиб бормоқда. Бу ерда яқинда 100 минг квадрат-метр ҳажмдаги уй-жой фойдаланишга топширилди.

«Ташспецстрой» трести 6-қурилиш бошқармасининг зилзиладан зарар кўрган қурувчиси Солиҳ Валиев ҳам Сергелидан янги квартира олди. Мана у ўз оиласи билан учинчи кварталдаги 22-уйга кўчиб кираётир.

М. НУРИДДИНОВ фотолари.

Чилонзор уй-жой массивининг Волгоград кўчасида Тошкент уйсозлик комбинатининг коллективи тезкорлик методи билан «Ц» микрорайонини қурмоқда. У ерда 50 кунда 120 квартирали уй монтаж қилинади. Монтажчилар ўз мажбуриятларини муваффақиятли адо этишмоқда.

СУРАТДА: қурилиш участкаларидан бирида.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотолари.

Латвия қурилиш поездида ўрток Яндалас Андрис биринчилар қатори янги тошкентни қуришга келган. У Чилонзор районидаги Латвия кварталида ўз ҳамшаҳарлари билан бирга ишлаб ҳар куни топшириқни ортиғи билан бажаришга эришмоқда.

СУРАТДА: Яндалас Андрис.

УСТОЗ ВА ШОГИРД

— Салом, отахон! — деди йигит ичкари кирар экан Сергей Ивановичга.

— Кел, йигит, ишлар яхши кетяптими?

Шундай деди-ю, кекса ишчи Ҳошимжонни уйга олиб кирди. Устоз ва шогирд ўртасида қизғин суҳбат бошланиб кетди. Ҳошимжон Сергей Ивановични ишхонада ҳар куни кўриб туради, салом алик қилишади. Лекин, бафуржа ўтириб отамлашишганига анча бўлибди. Чорак асрлик қадрдон ота-ўғил шу ўтган йиллар ичида ҳамиша бирга бўлишди.

— Ҳошимжон,— деди табассум билан Сергей Иванович.— Артелга биринчи марта кириб келганинг эсингдами? Юпунгина кийиниб олган ўрта бўйли қорача бола эдинг. Даданг бирга эдилар.

— Дадамга ҳам сиз ҳунар ўргатган экансиз-да, устоз.— деди миннатдор боқиб Ҳошимжон.

— Шундай. Лекин, дадангга фақат бочка, эгаржабдуқ, тумбочка ясашни ўргатган эдим холос.

Сергей Иванович сўзлар экан, йигитнинг ҳаёли ўша машаққатли уруш йилларида эди.

...«Эгарчи» артели десангиз, ҳозир кексаларгина билишади. 16 яшар йигит шушу ўз тақдирини артелда дурадгорлик касби билан мустаҳкам боғлади. Орзусига эришиш йўлида мастер Кирсанов унга раҳнамо бўлди.

Орадан йиллар ўтиб, артель юксала бошлади. Энди бу ерда халқимизнинг уй жиҳозларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида маданий буюмлар тайёрлана бошлади. Унумдор автоматик асбоб-ускуналар дурадгорларга кўмакка келади. Ишчиларнинг ўзлари ҳам ижодий меҳнат қиладиган бўлиб қолишди. Хуллас, ҳозирги цехларни илгариги қоронғу, зах иш жойларига асло таққослаб бўлмайди.

Ҳозир қайси цехга кирманг, автомат станок, электр арра, пардозлаш машиналарини кўрасиз. Ҳатто тахталарни пресслаш, елимлаб ёпиштириш ҳам автоматлаштирилган.

Ҳошимжон ҳдрокли йигит бўлиб, янгиликларни дарров ўзлаштириб олар, билганларини бошқалардан асло аямасди. Кўп йиллар бирга ишлаб келаётган сафдошларидан Ҳайрулла Файзуллаев, Ботир Жўраев, Ҳолмат Ғафуров каби йигитлар ўз касбларининг устаси бўлиб олганликлари учун ундан ғоят мамнун, чунки пресслаш цехига янги станоклар ўрнатилганда Ҳошимжон уларни бошқариш сирларини дўстларига аямай ўргатди.

Бригада ҳар куни икки минг дона шчит тайёрлайди. Бу— машинанинг шарофати. Илгарилари кунига бир неча ўнлаб шундай шчитлар тайёрлаш мумкин эди. Эндиликда пресс машинасининг ишлашини бошқариб турсанг бас. Иш равон кетаверади. Лекин машинада ҳарорат 120-130 даража бўлиши лозим. Акс ҳолда фанер қипиқдан тайёрланган тахтага яхши ёпишмай қолиши мумкин.

Ҳошимжон бир қалбакиликдан огоҳ бўлиб қолди. Машина яхши қизимасди. Маълум бўлишича, ўтёқарлар кўмирдан тежаб қолишмоқчи бўлишган экан.

— Тежамкорлик бунақа бўлмайди, отахонлар,— деди у бегараз. Яна кўмирдан кам ишлатай деб ишга зарар етмасин.

Ўтёқарлар аввалига бўш келишмади. Лекин ширинсўҳанлик ва ҳаққонийлик устун чиқди. Улар Ҳошимжонга қуллуқ қилиб «тежамкорликка» барҳам беришди. Натижада тахталар пухта бўлиб чиқа бошлади. Бу — бўлажак мебеллар чидамли бўлади, деган сўз.

Бригадир йигит ёшларда тинмай меҳнатга меҳр-муҳаббат ҳиссини тарбиялайди. Бунда уларнинг моддий рағбатдантирилишга ҳам эришамиз. Пресс установкасининг ишчиларидан М. Еқубов, М. Бувамирзаев, О. Мансурхўжаев ва бошқалар ишга янги келишганда дурадгорлик нима эканлигини билишмас эди. Ҳошимжон уларга машинанинг тилини ўргатди. Қандай қилса иш осон кўчади, техника хавфсизлигига қандай риоя қилиш керак, маҳорат сирлари нимада — ҳаммасини тушунтириб берарди.

Ҳошимовнинг ўз ҳамкасбларига бўлган меҳрибонлигини мана шундан ҳам билиш мумкин. Тошпўлат Олимов бир кун ишга келмай қолди. Эртасига бригадир бир йигит билан унинг уйига борди. Тошпўлат хафа кўринарди. Суриштириб қараса, ишдан айниб турибди. Шунда Ҳошимжон корхонанинг фахри бўлган ордендор ишчиларни бирма-бир тилга олиб, уларни дурадгорлик касби улуғлаганлиги, улар тайёрлаган мебеллар бутун республика аҳолисига манзур бўлаётганлиги ҳақида узоқ гапирди. Ниҳоят Тошпўлат ножўя ўйидан қайтиб, эртасидан ишга чиқди. Ҳозирги кунда у кўпчилик қатори меҳнат гаштини сурмоқда.

Корхонада мебелларни пардозлаш, локлаш ва қуритиш операциялари деярли бутунлай автоматлар ёрдамида бажарилади. Ишчилар уларни моҳирона ва ҳушёрлик билан бошқаришади.

«Шарқ» мебель фирмасининг 3-филиали пресслиар бригадасининг бошлиғи Ҳошимжон Соқижонов бугун устоз ҳузурига шунчаки келгани йўқ. У ўз қувончини у билан баҳам кўрмоқчи. Ўзи Ленин ордени билан мукофотланган экан, бунда устози Сергей Иванович Кирсанов-инг ҳам шубҳасиз катта хизмати бор. Ҳошимжон миннатдорчилик туйғуларини изҳор этиш мақсадида устоз ҳузурига келган эди.

Ғ. КОМИЛОВ.

Бу йигит «Ташсельмаш» заводининг илғор слесари Рустам Исҳоновдир. У беш йилдан буён инструментал цехида жонбозлик кўрсатиб ишлаб, планни ҳамиша 130-140 процент қилиб адо этмоқда. Илғор ишчи биринчи разрядли футболчи, завод терма командасининг аъзосидир.

Р. Жуманиёзов фотоси.

Янги сахифа

Ярим очиқ дераза олдида турган ёши ўттиздан ошган аёл бир неча соатдирки, атрофга суқланиб боқади. Ҳаммаёқ серфайз ва дилрабо кўринади унга.

Ҳамшаҳримиз Евдокия Кириличевани бу ерга олиб келганларида унинг аҳволи жуда оғир эди. Ўшанда у ҳаётга қайтишга гумонсирарди. Бу ердаги шифокорлар унга қайта ҳаёт бахш этдилар.

Аёл бу кечани ҳам касалхонада ўтказади. Тонг отиши билан шу даргоҳга келган куни уни кўтариб чиқишган зиналардан ўзи юриб тушади. Меҳрибон оиласи кучоғига қайтади.

У енгил нафас олиб хўрсиниб қўйди. Кўзларида ёш халқаланди. Бу, севинч ёшлари эди. Ахир ўлим тўшагида ётган инсон учун бир умрга тузалиб кетишдан ҳам катта бахт борми!

...Раҳима мажолсиз ётган аёл олдида турибди. Шу бемор учун уни ярим кечада уйидан олиб келдилар. Бемор тез-тез ҳушидан кетар, унинг мадорсиз лаблари қуриб, кўкариб кетганди.

Бундай вақтларда ҳар минут, ҳар дақиқа ғаним. У йиллаб ўқиб ўрганган билимини, ижодий изланишлар йўлида ортирган тажрибасини ишга солди...

Орадан бир неча соат ўтгач, Евдокия эркин нафас ола бошлади. Раҳима Жалилова бемор олдида бир дақиқа турди-да, ташқари чиқди.

Ер жамолини томоша қилган юлдузлар чаманн ҳам тонга бориб толиқди. Олис-олислардан айланиб келган қуёш тоғлар орқасидан яна кўкка томон тирмашмоқда. Атрофида енгил тонг шабадаси эсади. Шифокор эркин нафас олиб ҳаётга чўмди. Бу нечанчи муваффақияти! Унинг кўз ўнгидан операциялар, қўлида шифо топган йигит-қизлар, дугоналар ўта бошлади. Бахтиёр онахон ва отахонларнинг юзларида кезган кулгуни эслади.

Раҳима опанкинг ҳаётий йўли минглаб оддий совет хотин-қизлари ҳаётидан фарқ қилмайди. У илм олди, меҳнат қилди. Орзусининг рўёбга чиқиши учун барча имкониятлар яратиб берилган Советлар ҳокимияти йиллари ўсди, улғайди, камолга етди.

Улуғ Ватан уруши йиллари — 1942 йилда Тошкент медицина институтини тамомлаб, инсон саломатлиги йўлида хизмат қилиш учун отланди. Назарий билимини турмушга тадбиқ қилишни Тошкентдаги ўнинчи шаҳар касалхонасидан бошлади. Ҳамон у шу катта коллектив аъзоси, ҳамон ҳар бир бемор билан бирга дард чекмоқда, уларнинг дардига шифо бахш этиш учун қўлидан келган барча чора тадбирларни кўрмоқда.

Унинг чорак асрлик ижодий меҳнат фаолиятига назар ташлар экансиз, ўтган ҳар бир йил унинг ҳаётида ёрқин саҳифа очганлигининг гувоҳи бўлдингиз. «Соғлиқни сақлаш аълочиси», партия ва ҳукуматимизнинг бир неча бор Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Неча марталаб район ва шаҳар депутати қилиб сайланган. Элда ҳурмат қозонган бу аёл халқ хизматкори сифатида ҳам тилга олса арзигудек ишларни амалга оширди.

СССР Олий Совети Президиумининг кунги кечаги Фармони билан Раҳиманинг эл-юрт олдида, совет халқи соғлиғини сақлаш йўлида олиб борган самарали меҳнатлари тақдирланди. У олий мукофот — Ленин ордени билан мукофотланди.

Олий мукофот эгасини қутлаб унинг ўнлаб келаётганларнинг кети узилмайди. Улар ўз касбдоши Раҳима опани чин кўнгилдан қутлаш учун бу ерга тўпланишяпти. Раҳима опанинг оиласи ҳам катта. Бу оила аъзолари тўғрисида ҳозирча батафсил ҳикоя қилиб ўтирмаймиз. Раҳима опанинг турмуш ўртоғи, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг Зоология ва паразитология институти лабораториясининг мудири, биология фанлари доктори Муҳаммад Султоновнинг думалоқ стол атрофида айтган сўзларига тилакдошмиз.

— Эркинлик, адолат ва тенг ҳуқуқлилик асосига қурилган оилаларимиз ҳосилдор боғдек гуркираб, ҳамиша баҳордек яшнаверсин.

Р. ПУЛАТОВ.

ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР — ТОШКЕНТГА

Янги Тошкентни бунёд этаётган кўпминг кишилик бинокорлар сафида Ленинград областидан келган азамат қурувчилар ҳам янги турар жой бинолари қуришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Улар бу ерга шаҳар аҳолиси учун 100 минг квадрат-метр ҳажмида уй-жой бинолари ҳамда маданий-маиший объектлар қуриб бериш учун келишган. Бу тўғрида қурувчилар бригадасининг бошлиғи П. И. Данилов қуйидагича ҳикоя қилди.

— Ўтган қисқа вақт ичида,— деди у,— кўзга кўринарли анчагина ишларни бажариб қўйдик. Ҳозир иккинчи беш қаватли бинонинг устини ёпиш арафасида турибмиз.

Бригадамиз аъзоларн ўз аро келишиб, ишни уч сменада ташкил қилганлар. Чунки азим Тошкентда қурилаётган 100 минг квадрат метр турар жойнинг 23-минг квадрат метрини қуришдек масъулиятли вазифа бизнинг қурувчилар зиммасига юкланган. Бу етмиш беш қаватли турар жой биноси деган гап.

Аҳдига вафодор азамат қурувчиларимиз ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажариш учун қурилиш майдонида фидокорлик кўрсатмоқдалар. В. Николаев, А. Алиферко, А. Пальков каби ишчиларнинг ҳар бири кунига 1000-1200 тадан ғишт териб, кунлик нормаларини 130-140 процентга етказиб адо этмоқдалар. Бригада бўйича кунига 35-37 мингга етказиб ғишт терилади.

Бригада аъзолари иккита бинони янги йилга қадар қуриб топшириш учун ҳаракат қилишмоқда. Ҳозиргача кейин қурилаётган бешта беш қаватли бинонинг пойдевори ишлаб қўйилган.

Умуман Чилонзордаги «23-Ц» секторида янги-янги уй-жой биноларни тиклаётган ленинградлик бинокорларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Бригада аъзолари коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун ўзаро социалистик мусобақани яна ҳам қизитмоқдалар.

А. НАСРИДДИНОВ.

ШУНҚОР

Мана, Муқимий кўчасининг чап томонида биринчи қавати магазин бўладиган 80 квартирали уй қурилмоқда. Бинони 153-трестга қарашли I-қурилиш бошқармасининг республикада хизмат кўрсатган бинокори, СССР Олий Советининг депутати Холхўжа Баҳодиров етакчилигидаги коммунистик меҳнат бригадаси бунёд этмоқда.

Бригадада меҳнат шундай ташкил қилинганки, ғишт терувчими, дурадгорми, арматурачими — ҳамма ўз бурчини аниқ ва ҳаққонлик билан сидқидилдан бажармоқда.

Аҳил, жипслашган бу коллектив ишдаги илғор усулларни ва меҳнатни тўғри ташкил қилишнинг самарадор йўлларини дадил қўллаяпти. Бунинг натижасида улар йилдан-йилга тежамкорликни оширишяпти, бажарилаётган ишларнинг аъло сифатли бўлишини таъминлаётир. Тажрибали ишчилар ҳамкасбларига қурилиш ҳунарларини ўрганишда доимо кўмаклашадилар. Шунинг учун 31 ишчининг ҳаммаси 2—3 касбнинг эгаси. Бунда моҳир бригадирнинг 21 йиллик бой қурувчилик тажрибаси қўл келяпти. Бригада аъзолари тез ва соз қуриш шиори остида иш кўрмоқдалар. Ғишт терувчилардан Мирғалим Раҳимов, Ҳикмат Самадов ,Мўмин Солиҳов ва бошқаларнинг ҳар бири смена топшириғини 150-160 процент бажармоқда. Ғишт, цемент қоришмаси ва бошқа керакли материалларни иш жойига ўз вақтида етказиб берадиган Матлуба Темирхонова, Нурия Насриддинова, Санталат Шабаевалар қурилиш қурилмасини оширишга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Бригада сменада тўртта звенога бўлиниб ишлайди .Звеноларнинг эса «иккилик» ва «учлик»ларга бўлинган. «Иккилик» ва «учлик» методи ғишт терувчиларга жуда қулайлик туғдиряпти. Чунки ғишт терувчи бошқа ишларга жалб этилмайди. Монтажчилар звеноси тайёр деворларга панелларни монтаж қилганларидан кейин дурадгорлар опалубкалар ўрнатадилар ва бетончилар панеллар оралиғини бетон қоришмаси билан тўлдирадилар. Бу жараён жуда кам вақтни олади.

Тежамкорлик бригаданинг асосий шиори. Бригада 1961 йилдан хўжалик ҳисобига ўтиб ишлай бошлади. Натижада ташқаридан келаётган материаллар устидан назорат кучайди.

Ғиштлар махсус контейнерларда 200 тадан «арча» усулида тахланган ҳолда заводдан келтирилади. Бригадада ғиштни транспортдан туширмасдан тўғри иш жойига узатиш яхши қўлланиляпти.

Бу конвейер усулида ғиштнинг беҳуда синишига, йўл қўйилмайди.

Баҳодиров бригадаси ишбай-мукофот наряди бўйича ишлайди. Бунда мукофот фақат ишнинг ҳажмига қараб эмас, балки сифатига қараб берилади. Бу наряд бўйича ишлаш қурилиш суръатини тезлаштиради ва иш ҳақини оширади. Бригададаги мавжуд 23 ғишт терувчи кунига белгиланган 41,4 кубометр ўрнига 70,15 кубометр ғишт теряпти. Бир кунлик иш ҳақи ўрта ҳисобда ҳар бир ишчига 5,40 сўмни ташкил қилмоқда.

153-трест касаба союз комитетининг раиси И. П. Пелепец Баҳодиров бригадасини шунқорлар бригадаси деб таърифлайди. Бунга асос бор, албатта. Бу аҳил коллектив Чилонзорнинг ўзидагина 20 дан ориқ турар-жой биноси, тўртта ўрта мактаб, битта болалар боғчаси қурилишида актив қатнашиб социалистик мусобақада бригаданинг эришган ютуғини тасвирловчи «Иш сифатини аъло бажарган бригадага» деган вимпелни олдилар.

Бригадирнинг қурувчилик соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати унга обрў-эътибор келтирди. У СССР Олий Советининг депутати ва Меҳнат Қизил Байроқ ордениинг кавалери. Олиҳиммат бригада аъзолари бир нарсани жуда яхши тушунадилар, қурувчилар қанчалик самарали ишлашса, оилалар янги уйларга шунча тез кўчиб киради.

Ана шу олижаноб мақсад бригада аъзоларини шарафли жангговар меҳнат сари чорламоқда.

Т. УРИНБОЕВ.

Атеист пропагандистларга бағишланган

Идеология ходимларининг меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашни кучайтиришга бағишланган кенгаш-семинари бўлиб ўтди. Кенгаш-семинар шаҳар партия комитети томонидан чақирилди.

Шаҳар партия комитетининг секретари Р. Бобожонова ҳозирги даврда атеистик пропагандаанинг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Партия ва жамоат ташкилотларининг атеистик пропаганда соҳасидаги иш тажрибалари ҳақида семинарда фалсафа фанлари кандидати А. Ортиқов, Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитети секретарининг ўринбосари Э. Ҳамидов, «Ташсельмаш» заводи партия комитетининг аъзоси А. Сомсонов, Киров район партия комитетининг секретари Л. Беккулбекова, маҳалла комитетининг раиси Р. Раҳмонов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАН

Бундан уч-тўрт йил илгари Ўзбекистон трактор йиғув заводи йилига ўн икки минг донага етказиб машина тайёрлаб берарди. Бу, албатта, деҳқонларимизнинг тобора ошиб бораётган талабларига тўла жавоб бермасди. Корхона коллективи олдида ишлаб чиқарилаётган тракторларнинг сонини кескин оширишдан иборат муҳим вазифа турарди.

1964 йилда корхонада янги техника бюроси ташкил этилди. Шундан буён бюро ўртоқ Э. Симешев раҳбарлигида муваффақиятли ишлаб келмоқда. Инженер хизмати ходимлари ва цехларнинг ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорликда бюро кўпгина ишларни амалга оширди. Жумладан, бешта янги станок ўрнатилди. Булардан иккитаси махсус чархлаш агрегати ва иккитаси махсус торц-шлифовка станоги ҳамда биттаси кўп шпинделли тешиш агрегатидир.

Машинанинг кожух қисмидаги деталларни янги ўрнатилган агрегат ёрдамида чархлаш туфайли завод ҳар беш минутда иккитадан деталь олиб турибди. Илгари эса атиги битта деталга ишлов бериш учун 20 минут сарфланар эди.

Торц-шлифовка ускунасини ишга туширишдан деталлар сифатини кескин даражада ошириш имкониятни берди. Деталларни агрегат усулида тешиш эса меҳнат унумдорлигини кўп марта оширди. Бу ўз навбатида бутун корхона ишлаб чиқаришини янада олга силжитишга имконият яратди.

Кейинги йилларда қийин эрийдиган ва оловга чидамли материаллар комбинатлари олти, беш, тўрт, уч қирали ва йирик пластинкалар ишлаб чиқара бошлади. Бу пластинкалар асбобларда кенг қўлланилмоқда. Шунисн муҳимки, пластинка қирраларидан бири ишлатилиб, у ўтмаслашиб қолгач, иккинчиси ишлатилади. Натижада пластинканинг хизмат даври узаяди.

Корхонада шу пластинкалар ишлатиладиган асбобларни ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан катта иш олиб борилмоқда.

Янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этишнинг тобора кенгайиб бориши махсус бюро ташкил этиш ва уни юксак малакали инженер ҳамда созловчилар билан таъминлаш кераклигини талаб этди, токи улар гидравлика ва электроника билан жиҳозланган юксак унумдор ускуналарни созлаш юзасидан мураккаб масалаларни ҳал эта олсинлар. Шундай бюро бундан уч йил бурун ташкил этилди.

Бюро инженер хизмати ходимлари янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш планларини мунтазам равишда бажариб келмоқда.

Жумладан, шу ўтган уч йил мобайнида цехларга 160 та махсус ва агрегат асбоб-ускуналар тайёрлаб берилди. Бундан ташқари, 15 станок модернизация қилинди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон трактор йиғув заводи илгари йилига 12 минг донадан трактор ишлаб чиқараётган бўлса, ҳозирги вақтда бу рақам 20 минг донага етди. Бу билан завод республикада трактор ва бошқа қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг энг механизациялашган корхоналаридан бири бўлиб қолди.

Завод шундай кескин юксалишга эришган экан, бунда шубҳасиз, янги техника бюроси етакчи роль ўйнади, деб дедил айтиш мумкин.

МУҲИМ ҒАЛАБА

Беш йилликнинг биринчи йилини меҳнатда ажойиб ютуқлар билан якунлаётган Тошкент пластмасса буюмлари заводининг аҳил коллективи бугун яна бир ғалабани қўлга киритди. Улар йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан 20 кун илгари адо этганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

Йиллик ишлаб чиқариш планини 100,4 процент адо этган меҳнатсевар коллектив шу кунгача 4 миллион 614 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Маҳсулот таннархини 4,3 процентга камайтиришга эришилди.

Завод коллективи ўзаро социалистик мусобақани янада қизитиб, йил охиригача плондан ташқари 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 2 бет

20 ДЕКАБРЬ, 1966 И.

Дина Сайфуллина 50 ёшга тўлади. Шу умридан 30 йилини тиниб-тинчимас аёл меҳнаткашларнинг соғлиғини, хотин-қизларнинг, чақалоқларнинг саломатлигини сақлашга бағишлади.

«ТИНИБ-ТИНЧИМАС»

Юбилярларимиз

Дина 1932 йили Охунбобоев номли медицина билим юртини тамомлагач, медицина ҳамшираси бўлиб ишлай бошлади. Бу ҳунарни жондан севиб қолди. Сўнг Тошкент Медицина институтига кириб ўқиб, уни 1939 йили муваффақиятли тамомлади. 1946 йилгача Ички ишлар министрлигида медицина-санитария қисмининг бошлиғи бўлиб ишлади.

Ҳозир бу аёл Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлимида бош гинеколог-акушер бўлиб ишламоқда. Шу билан бир вақтда 8-туғурқхонада ҳомиладор хотин-қизларга консультация беради, янги туғилган чақалоқларни қабул қилади. У ёш оналарга маслаҳатлар бериш, болаларни қандай тарбиялашни амалий кўрсатиш учун вақт топа олади.

Ватан тиниб тинчимас аёлнинг меҳнатини тақдирлаб, уни «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали ва бошқа кўпгина медаллар билан мукофотлади. Д. Сайфуллина—Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш аълочиси. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ва бошқа ташкилотлар томонидан кўпгина Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. У икки фарзандни тарбиялаб вояга етказди.

Бугун Сайфуллинани ҳамкасблари билан бирга ўзи қаёт бахш этган оналар ҳам ярим асрлик юбилейи билан табриклаб, ишида янада муваффақиятлар тилайди.

З. ЗАББАРОВА.

КОМСОМОЛЛАР ТАШАББУСИ

Бутун мамлакатимиз, бутун совет халқи Октябрнинг 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Шаҳримизга қалб даъвати билан келиб, жонажон пойтахтимизни қайта барпо этишда актив қатнашаётган қардошларимиз ҳам ҳозирги кунда бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Яқинда Украина комсомоллари ажойиб мурожаат билан чиқдилар. Чилонзорда қўплаб турар жой ва маданий-маиший биноларн барпо этаётган украин йигит ва қизлари мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа — Октябрнинг 50 йиллиги байрамини муносиб совғалар билан нишонлаш учун зиммаларига катта-катта мажбуриятлар олиб, бошқаларни ҳам меҳнатда янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритишга даъват этдилар.

Улар олган мажбуриятлар қуйидагилардир. Ой сайин қурилиш-монтаж ишларини камида 140 процентга етказиб адо этиш, бригада ҳар бир аъзосининг кундалик иш кўрсаткичининг 120 процент бўлишига, эришиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг аъло даражада бўлишига эришиш.

Украиналик комсомолёшлар бригадаси 1967 йилдан эътиборан хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаш ва тежаб қолинган қурилиш материаллари ҳисобига қурилаётган уйларнинг беш хонасини пардозлаб бериш, ўзбеклар ўлкасида украин маркасининг шарафи учун курашиш ҳамда биноларнинг фақат «аъло» ва «яхши» баҳоларга топширилишига эришиш, биноларнинг тез, сифатли ва кўркам қилиб қурилишига эришиш учун курашажакларини айтишди.

Бундан ташқари, улар Тошкентда ҳам ўз билим савияларини тинмай оширишга, камида бир-иккитадан касбни ўрганиб олишга аҳд-паймон қилишган.

Украиналик ёш бинокорлар ўз зиммаларига катта мажбуриятлар олиб, бошқаларни ҳам шу мурожаатга қўшилишга чақирадилар. Бригада аъзолари Луганск қурилиш-монтаж поездининг Украина ССРда хизмат кўрсатган бинокор А. Карлова бошчилигидаги сувоқчи-бўёқчилар бригадасини социалистик мусобақага чақирдилар.

Украиналик комсомолёшлар бригадасининг бу ташаббусини қўллаб-қувватлаш Тошкент қурилишида қатнаётган ҳар бир йигит-қизнинг шарафли бурчидир.

Жаҳон ойнаси

СССР БИЛАН ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косыгиннинг Туркия Республикасига қиладиган визити ҳар иккала қўшни мамлакат ўртасида яхши муносабатлар ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда янги давр очади.

Советлар Республикаси ва Туркия халқлари бундан қарийб ярим аср илгари чет эл интервентларига қарши курашнинг оғир йилларида бир-бирларига ёрдам қўлларини чўздилар ва ўз ҳамкорликларини дўстлик ва қардошлик тўғрисидаги шартнома билан мустаҳкамладилар.

Биринчи жаҳон урушининг охирида Туркия мустақиллик дан маҳрум бўлиш хавфи остида қолган эди. Аммо, Россиядаги буюк Октябрь Социалистик революцияси турк халқининг ўз мустақиллиги йўлидаги кураши учун қулай шарт-шароит вужудга келтирди. Россиядаги воқеалар тўғрисидаги хабарлар ҳар қандай тўсиқ ва говларга қарамай, Туркиянинг энг узоқ районларига ҳам бориб етди ва турк халқининг кенг қатламларини чет эл интервентларига қарши курашга отлантирди. Совет ҳукуматининг ташқи сиёсатга доир биринчи ҳужжатлари — сулҳ тўғрисидаги декрет, Россия ва Шарқдаги мусулмон меҳнаткашларига мурожаатнинг қабул қилиниши, тенг ҳуқуқли бўлмаган шартномаларнинг бекор қилиниши, рус қўшинларининг Эрондан олиб чиқиб кетилиши турклларда кучли таассурот қолдирди. Турклар Совет давлати сиймосида содиқ ва беғараз дўстга эга бўлганликларига ва совет давлатининг сўзи билан иши бир — биридан ажралмаслигига ишоч ҳосил қилдилар.

Ўзоқни кўрадиган давлат арбоби Камол Отатурк Туркиянинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун Совет — Туркия дўстлигининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунди ва дўстликка юксак баҳо берди. 1938 йилда вафот этган кунгача ҳар иккала мамлакат ўртасидаги яхши муносабатларни доим мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тарафдори бўлиб қолди. Камол Отатурк 1936 йил ноябрь ойида Буюк Миллат мажлиси (парламент)ни очиш вақтида сўзлаган нутқида бундай деди: «Мен зўр миннуият билан шуни айтишим керакки, денгиз ва қуруқликдаги буюк қўшнимиз Совет Иттифоқи билан дўстлигимиз 15 йил мобайнида ўз фазилатини исбот қилди. Бу дўстлик қарор топган биринчи кунлардагидек зўр куч ва самимият билан нормал ривожланиб бормоқда.

Отатуркнинг вафотидан кейин, хусусан иккинчи жаҳон уруши йилларида ва бу урушдан кейинги даврда, Туркия билан Совет Иттифоқидаги муносабатлар ёмонлашди. Икки халқнинг яқинлашуви ва дўстлигига ҳалақит бериша урунган ғарб дипломатиясининг найранглари ҳам бунга ёрдам берди.

Кейинги йилларда Совет Иттифоқи билан Туркия ўртасидаги муносабатларда муҳим силжиш рўй берди. Ҳар иккала мамлакат ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари тикланиб, иқтисодий ва маданий алоқалар йўлга қўйила бошланди. Ҳар иккала давлат арбоблари ўртасида шахсий алоқалар ўрнатилди. Туркия парламенти аъзоларининг Совет Иттифоқига визитлари, Туркия Ташқи ишлар министри Ф. Эркининг Совет Иттифоқига сафари ва СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг Туркияга сафари, ўша вақтда Туркия Бош министри бўлган С. Ҳ. Урғюплюнинг 1965 йил август ойида Совет Иттифоқида бўлиши ва унинг совет раҳбарлари билан олиб борган музокаралари, Н. В. Подгорний бошчилигидаги СССР Олий Совети делегациясининг Туркияга визити, шунингдек совет ва турк фан арбоблари, экономистлар, журналистлар ва жамоатчилик бошқа вакилларининг бир-бирларига қилган сафарлари каби фактлар буни исбот қилади. Бу визитлар ҳар иккала мамлакат ўртасидаги яхши муносабатларни йўлга қўйишга, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга, бу мамлакатлардаги халқларнинг турмуши билан ҳар томонлама танишиб чиқишга ёрдам беради.

Ўртоқ Н. В. Подгорний 1965 йил январь ойида Туркиянинг Буюк Миллат мажлисида сўзлаган нутқида, жумладан, қуйидагиларни айтди: В. И. Ленин ва Камол Отатурк асосини яратиб берган яхши традицияларга қайтиш вақти келди. Бизнинг мамлакатимиз, бизнинг ҳукуматимиз бунинг учун ҳеч қандай ғов йўқ деб биласи. Совет Иттифоқи билан Туркия ўртасидаги чегаранинг яхши қўшничилик чегараси, қора денгизнинг эса тинчлик ва халқлар дўстлиги денгизи бўлиб қолишига ишонгимиз келади.

Туркиянинг кенг доиралари бу сўзларни маъқуллидилар. «Москванинг дўстлик қўлини қабул қилишимиз учун, деб ёзган эди «Дунё» газетаси, бизга халқит берадиган ҳеч қандай сабаб йўқ».

Туркия халқи Совет Иттифоқининг ҳаётига доим зўр иштиёқ билан қаради ва оғир синов йилларида қардошларча беғараз ёрдам берган совет халқига нисбатан эзгу туйғуларини изҳор қилиб келди. Туркия газеталаридан бир қисмининг пропаганда мақсадида ишлатган найранглари ва турк аҳолиси назарида совет мамлакатига доғ тушириш, Совет давлатига нисбатан ишончсизлик ва ҳатто душманлик туйғуларини вужудга келтириш йўлидаги уринишларга мамлакатнинг халқ оммаси ҳайриҳоҳлик билан қарамади. Оддий кишилар — деҳқонлар, ишчилар билан, интеллигенция вакиллари билан бевосита ўрнатилган алоқалар уларнинг Совет Иттифоқи билан Туркия ўртасидаги чегараларнинг яхши қўшничилик ва дўстлик чегаралари бўлиб қолишини астойдил истаганликларини исбот қилди.

Кейинги ўн йил мобайнида Туркиянинг ўзида ҳам силжишлар рўй берди ва турк жамоатчилиги замонамизнинг илғор идеяларига зўр қизиқиш билан қарай бошлади. Шу нарса характерлики, демократик позицияларни ёқлаб чиқаётган Туркия ишчилар партияси кейинги парламент сайловларида Туркия тарихида биринчи марта Буюк миллат мажлисида 15 ўрин олди.

Туркия газеталарининг бир қисми ана шу қайфиятларни ифода этиб, реакция ва империализмнинг кирдикорларига зарба беришни, Туркия республикасининг барча қўшнилари билан ва аввало Совет Иттифоқи билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Совет халқига келганда шуни айтиш керакки, у тинчлик ва барча халқларнинг фароғати йўлида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг кенгайиб, ривожланиб боришини астойдил истайди.

А. СТУПА.

(ТАСС).

МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

ГАВАНА. (ТАСС). Африка, Осиё ва Латин Америкаси халқлари бирдамлиги ташкилотининг ижроия секретариати хитобнома тарқатди. Бу хитобнома 1967 йил 3 январдан 10 январгача Африка, Осиё ва Латин Америкаси халқларининг озодлик нураши билан халқаро бирдамлик ҳафтасини утказишга даъват этади.

Кейинги йилларнинг тажрибаси, дейилади хитобномада, революцион ҳамлани империалистлар ҳамласига қарама-қарши қўйишдан бошқа йўл йўқ эканлигини халқларга кўрсатиб берди. Бир хил мақсадлар учун курашаётган барча қитъалардаги кураш чиларнинг ягона революцион стратегиясини вужудга келтириш, уларнинг бир-бирларига берадиган мададлари озодликка олиб келадиган бирдан-бир йўлдир.

Хитобноманинг охирида Африка, Осиё ва Латин Америкасида миллий озодлик курашини кучайтиришга даъват этилади.

Социалистик Югославияда завод-фабрика, уй-жой, мактаб қурилишлари жадаллик билан олиб борилаётир. Янги шаҳарлар, ишчи посёлкалари қад кўтармоқда. Шунинг учун ҳам цемент, гишт каби қурилиш материалларга бу ерда эҳтиёж катта.

Суратда: Белграддаги гишт заводи.

ТАНЮГ — ТАСС фотоси.



Анқара. Отатурк сайргоҳидаги савдо маркази. Бу ерда ўнлаб катта-кичик магазинлар аҳоли хизматида.

И. Михайленко фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

КЕЛИН БОЗОРИ

Ям-яшил ўрмонлар билан қоплангган тоғлар ва шўх оқар зилол дарёлар ўртасида Эфиопиянинг энг Жанубий ўлкаси — Сидамо ўлкаси жойлашган. Бу ўлка халқлари ўзининг қадимий одатига ҳамон қатъий амал қилади.

Сидамода ҳар бир эркак истаганча уйланиши мумкин. Унинг обрў-эътибори қанча хотинни боқа олиши билан белгиланади. Аниқроғи, эркакнинг бойлиги унинг хотининнинг кўплигига қараб билинади. Бор-йўғи битта хотинга эга бўлган эркак Сидамодаги энг камбағал киши ҳисобланади.

Усмир жуда ёшлигиданоқ — ҳали 15 ёшга тўлмасиданоқ уйланади. Унинг хотин танлаш ҳуқуқи ҳам ғоят чексиз. Ота-оналари йигитчанинг хотин танлашига ҳеч қандай эътироз билдирмайдилар. Йигитча ўзининг уйланиш вақти етган деб ҳисобласа, дарҳол «келин бозори»га йўл олади. Бу ерда ҳар доим анчагина қиз тўпланиб турган бўлади. Йигитча улардан хоҳлаганини танлайверади. Ниҳоят, ўзича энг яхши, энг гўзал деб ҳисоблаган қизни танлаб, унга уйланади. Албатта, у ўзининг хотин танлаш маросимини дўстларига шипшитади, қизни ўғирлаш режаси тузилади.

Лекин энг қийини қизни ўғирлаб кетиш ҳақидаги режани унинг ота-онасига етказиб қўйишдир. Сидамо халқининг одатига кўра, қизнинг ота-онаси бу хабарни етказган кишини боплаб дўппослайди. Шунинг учун ҳам куёвнинг энг чаққон ва бақувват дўсти элчи қилиб тайинланади. Унга саман йўрға ҳам беришади. Элчи қизнинг ота-онаси ёнига қўюндай югуриб келади-ю, «Сизнинг қизингиз менинг дўстимга хотин бўлди» деганча, орқасига қарамай қочиб қолади.

Шундан кейин ҳаёт ўз йўлидан кетаверади. Йигитнинг ота-онаси қиз тараф билан қалин ҳақида келишиб олади. Никоҳ ўқилади. Шу тарзда сидамоликларнинг янги оиласи пайдо бўлади.

В. МАТВЕЕВ,
ТАСС мухбири.

СОВЕТ УСКУНАЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА БИТИМ

ДЕҲЛИ, (ТАСС). Патма шаҳрида ҳиндистоннинг Бихар штати ҳукумати вакиллари билан Совет Ташқи савдо ташкилотлари вакиллари ўртасида жами 20 миллион рупий миқдорида совет ер қазиш — қурилиш ускуналари — бульдозерлар, самосваллар, кранлар, экскаваторлар ва бошқа машиналар етказиб бериш тўғрисида битим имзоланди.

Бу қурилиш ускуналаридан Дамодер дарёсида ирриг тўғон қуришда фойдаланилади.

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ОДАТЛАР

ТОДА ОРАСИДА

Л. В. ШАПОШНИКОВА,
тарих фанлари кандидати.

Гранит қоя тагида икки коҳин ўт чиқариш билан овора. Оёқ яланг, калта қора тога кийган, соқоллари патила-патила бу кексалар қорайиб кетган ёғоч устига энгашишган. Ёғочнинг кўмирга айланиб қолган жойида ковак ҳосил бўлган. Коҳинларнинг бири шу ковакка иккинчи ёғочни қўйиб кафти билан айлантира бошлади. Узун, жингалак сочлари унинг ҳаракатига мосланиб у ёқдан-бу ёқа силкинарди. Мана, ёғоч иккинчи коҳиннинг қўлига ўтди.

Ниҳоят ковакдан ингичка кўк тутун чиқа бошлади. Синиб тушган ёғоч парчалари тутай бошлади. Кекса коҳин чўғ устига барглларни эҳтиётлик билан ташлаб пуфлайди. Ёғоч алангаланиб ёна бошлади. Уни ўша ерда турган мис чироққа тутишди.

— Амма, — деди менга коҳин. — Биз маъбуда Текерзши учун муқаддас олов ёқдик.

— Маъбуда қаерда? — деб сўрадим.

— Анави ерда, — деб ажин босган бармоқлари билан Мукуртхи чўққисига ишора қилди у. Бу ва бошқа чўққилар тепасида булутлар сузиб юрибди. Сал юқорироқда шафақ ранг булутлар йиртиқ кийимдек парча-парча бўлиб осилиб турибди. Булут қаърини ҳар замонда чақмоқнинг кўк тиғи кесиб ўтади. Қуёш Мукуртхининг ортига ўтган. Тоғлар чўққиси ва торгина тошлоқ водийлар нафис бинафша рангда товланади.

Гранит қоя туша бошлаган қоронғиликда ўз шаклини ўзгартира бошлади. Ярим доира шаклидаги ибодатхона унинг фонида соядек кўринади. Булут парчалари орасидан юлдузлар кўзни қамаштирарлик даражада ялтираб кўриниб қолади. Улардан бири бошқа юлдузларни орқада қолдириб, Мукуртхи томонга кела бошлади. «Йўлдош!» — деган фикр келди миямга. Шу пайт ёнимда коҳиннинг:

— У ерда нимани кўрдинг, амма? Бизнинг маъбуданими? — деган бўғиқ овози эшитилди. Иккала коҳин ҳам менга диққат билан тикилиб туришарди.

— Йўқ, шунчаки... — Мен «шунчаки йўлдош» демоқчи эдим, лекин вақтида ўзимни тутиб қолдим. Ахир бу ярим ялангоч коҳинлар, маъбуда Текерзши ва ёғочни ишқалаб олов чиқариш мен учун оддий бир нарса бўлмаганидек, йўлдош ҳам уларга шунчаки нарса эмасди. Атрофимни ўраб турган нарсаларнинг ғалатилиги, одатдагича бўлмаганн баъзида буларни тушимда кўраётган бўлсам керак, деган фикрга олиб келарди. Фақат милтиллаб кўринаётган йўлдош юлдузчаси тода қабиласи яшаётган даврдан минг йиллар фарқ қиладиган бошқа дунё билан, мен келган дунё билан боғлаб турарди.

Атрофни қоронғулик босди. Тунги шамол муқаддас дарахтларнинг учини тебрата бошлади. Кекса коҳин қора кийимга ўраниб ёнимга келди.

— Амма, ҳали ҳам шу ердамисан?

— Ҳа.

— Қуёш ботиб, тода юрти қоронғуликка ўралди. Мандга, одамларнинг олдига бор.

Мен ўша ёққа йўл олдим.

...Мадрас штатининг ғарбий қисмидаги Коимбатура водийсидан тоғлар кўриниб туради. Бу ердан улар ҳаво ранг бўлиб кўринарди. Ҳатто уларни шундай деб, яъни Нилгири — ҳаворанг тоғлар деб аташади. Нилгири текислигида денгиз сатҳидан 2000 — 2800 метр баландликда қадимдан тода қабиласи яшаб келмоқда. Мана, қанча йилдирки, тода тарихчилар, этнографлар, антропологларнинг диққат эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Шунинг учун ҳам 1963 йили Мадрасга келганимда, тода билан яқиндан танишиш имкониятини қўлдан бой бергим келмади. Жўнашдан олдин Мадрас давлат музейи антропология бўлимининг бошлиғи Мистер Шарма билан учрашдим. Мистер Шарма сўзларимни истеҳзоли жилмайиб туриб эшитди. Кейин хўрсиниб:

— Сиз ҳам ўша ёққа бормоқчимисиз! Бу қабила ҳамманинг эсҳушини олиб қўйди. Ахир тода ҳақида шунча ёзилгани етар дейман? — деди.

— Айтингчи, тода ҳақида нималарни биласиз? — деб тикилиб сўрадим ундан.

Шарма гердайиб, нимадир демоқчи бўлди-ю,... жим қолди. Ниҳоят у шубҳа билан бош силкиди.

— Ҳм... Улар ҳақида бирор муҳим гап айтолмайман. Тодалар ҳақида жуда кўп ёзилган-ку. Майли, оқ йўл.

Мен Нилгирига, тода юртига йўл олдим. Ўшанда муқаддас Мукуртхи чўққисини, тоғ чўққиларни узра сузиб юрган пага-пага булутларни, тор тошлоқ водийни, гуллаб ётган мимозалар ранг-баранг тус берган чангалзорни, ям-яшил майсалар билан қопланган ўтлоқларни ва ниҳоят тодаларни кўрдим. Улар билан биринчи марта Ўтакамандадан 7 мил масофадаги Мутандамандада учрашдим.

...Тоғ ёнбағри ўт-ўлан билан қопланган. Чангалзор оралаб юқорига кенг сўқмоқ йўл бор. Мен сўқмоқдан тепага кўтариляпман. Бирданига кўз олдимда бошқаларга ҳеч ўхшамаган қишлоқ пайдо бўлди. Кўчманчиларнинг ўтовига ўхшаган ярим доира шаклидаги томи қамиш билан ёпилган бешта ҳужра. Ҳужра атрофини харсанг тошлар қўйиб ўралган. Сал юқорида қўтослар учун қилинган қўтон кўзга ташланади. Мен энг четдаги ҳужра олдида тўхтадим. Ҳужранинг эни ҳам, бўйи ҳам бир метрча келадиган очиқ жойдан бир киши энгашиб чиқди. У қаддини ростлаб менга диққат билан тикилади. У киши новча бўйли, мош-гурунч соқоли кўкрагига, узун сочи елкасига тушган. У кўзини катта очиб, синчковлик ва ҳайриҳоҳлик билан тикилади. Эгнидаги қизил ва қора йўлли узун лутукхули қўлларини ширириб, тиззасигача тушиб турибди. Ҳиндистонда бу кийимга ўхшаганини учратмагандим. Танасининг унча қора эмаслиги, узун ва кенг бурни, юпқа лаби ва оч жигар-ранг кўзи бу кишининг жанубий ҳинд дравидлари билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигидан далолат беради.

— Салом, амма! — деб жилмайди у.

— Кимсан? — деб сўрадим ундан тамиль тилида.

— Тодаданман.

— Исминг нима?

— Кероз. Мен манави мандада яшайман.— Шундай деб лутукхулисини бир елкасига суриб, қўлини чиқарди ва ҳужра томонга ишора қилди. Ўша тарафда аёллар келишаётганди. Уларнинг эгнида ҳам лутукхули, қоп-қора сочлари майда қилиб ўрилган.

— Амма, бизникига меҳмон бўлиб келдингми?

— Ҳа.

— Сен тода қандай яшашини кўргани келдингми? Қайтиб кетгач бошқа келмайсанми?

— Мен тез-тез келиб тураман.

— Бегона кишилар бу ерга келишади, — деб давом этди Кероз. — Анавини шиқилдатиб, — у фотоаппаратга ишора қилди. — жўнаб кетишади. Улар биз билан камдан-кам гаплашишади.

— Мен бу ерда анча тураман.

— Яхши, — деб бошини силкитди тода. — Агар сен бизга ёқсанг дўстимиз бўласан.

Менга тода биринчи кўришимдаёқ ёқиб қолди, шунинг учун улар билан жуда ҳам дўстлашгим келди. Улар орасида ҳаммаси бўлиб уч ой яшадим. Шу вақт ичида бошқаларга ўхшамаган ажойиб дунёда бўлдим.

«ОСТ-ИНДИЯ КОМПАНИЯ ХОНИМ»

Англиянинг «Ост-Индия»компанияси XVIII асрнинг охирларидан Ҳиндистоннинг жанубини зулдлик билан «ўзлаштиришга» киришди. Босиб олинган ва аннексия қилинган районлар округларга бўлиб ташланиб, ҳар бир округга мустамлака маъмуриятининг вакиллари — коллекторлар тайинланган эди. Коимбатура водийсида ҳам инглиз коллекторатининг идораси бор эди. Фақат водийнинг ғарбий томонида савлат тўкиб турган Нилгири тоғигина ўрганилмаган эди. Тоғ ўтиб бўлмас чангалзорлар билан ўралган бўлиб, унинг кўкимтир чўққиларига борадиган йўлни ҳеч ким билмасди. Аммо тоғдаги ҳисобсиз бойликлар ҳақидаги миш-мишлар инглиз чиновникларини қизиқтириб қўйган эди: қадим замонларда Нилгири тоғида кумуш, ҳатто олтин кўп бўлган, деган гаплар юрарди. Бир неча йилдан сўнг Нилгирига топография бўлимининг чиновниги Вильямс Кейс юборилди.

Экспедиция 1812 йилнинг бошларида йўлга тушди. Чивинлар кечаю-кундуз тинчлик бермасди. Баъзи жойларда бир-бирига чирмашиб девор бўлиб кетган чангалларни кесиб ўтишга тўғри келарди. Лекин Кейс қайсар одам эди. Тақдири шу вазифани қандай бажаришига боғлиқ эканлигини у яхши биларди. Экспедиция тобора баландга кўтарилиб борарди. Ботқоқ ва чангалзорлар орқада қолиб кетди. Энди одамлар тунлари совуқ шамолда дир-дир титрашарди. Эрталаб тоғни туман қоплади. Ҳаммоллар орасида касаллик бошланди. Улар олдинга юришдан бош тортишди. Кейс уларни юз-кўзи аралаш қамчилар, бечоралар эса оёқларини зўрга босиб олга юришга мажбур бўлардилар. Кейс экспедицияси бир неча кун давомида бирорта ҳам маҳаллий кишини учратмади. Ғўё тоғда одам яшамайдигандек эди. Лекин кунлардан бир кун... ботиб бораётган қуёш шўъласида йўғон, қайрилма шохли қўтослар, подаси кўриниб қолди. Поданинг нариғоғида эса икки серсоқол киши таёғига таяниб турарди. Уларнинг кийими қадимги римликларнинг тогисига ўхшарди.

Подачилар келгиндилар олдига яқинлашиб, мулойимлик билан салом беришди. Тодалар инглиз чиновниги ва унинг одамларини меҳмондўстлик билан кутиб олдилар. Водийдан келган оқ танли киши бутун қабила учун бахтсизлик дарақчиси эканлигини улар билмаган эдилар. Кейинчалик Кейс Коимбатур коллекторига бундай деб ёзди: «Айтишларича, тодалар тоғдай яшай бошлаган биринчи одамлар эмиш. Уларнинг тилини ҳатто қўшни қабилалар ҳам билмайди. Улар деҳқончилик қилмайдилар, фақат қўтос боқадилар ва тогнинг энг узоқ қисмларида дарёлар яқинида яшайдилар».

Кейинчалик маълум бўлишича, Кейс тода қабиласига етиб борган иккинчи киши экан. Биринчи марта португалияликлар борган. Британия музейининг қўлёзмалар бўлимида бир ҳужжат топилди. Қўлёзманинг биринчи қисмига 1602 йил деб ёзиб қўйилган. Малабардаги португал католик черковининг епископи Франческо Роза тогнинг шарқий тизмаларн ортида «Муқаддас Фома қадимги христианлари авлодларидан бўлган одамлар яшайди», уларнинг мамлакати Тодамала деб аталади, деган гапларни эшитиб қолади, Епископ у ерга икки кошишни юборади. «Улар (тодалар — Л. Ш.) — дейилади қўлёзмада, — баланд бўйли ва оқ танли ирқ одамларидир; уларнинг соқоли узун бўлади, қадимги португаллар каби қалин сочлари елкасига тушиб туради. Зарур нарсаларнинг ҳаммаси мўл-кўл. Чунончи гуруч, бўғдой, сабзавот ва турли-туман гўшт, уй паррандалари кўп, уй ҳайвонлари сонсиз-саноқсиз, сут шунчалик кўпки, уни ҳатто молга берадилар». Кошишлар тодалар орасида христианлик нишоналари бўлишини шунчалик истар эдиларки, улар ўз истакларини ҳақиқат деб биладилар.

Бироқ епископ уларнинг докладига ишонмайди ва 1603 йилда тодалар мамлакатига Жакоме Финнгио падарни юборишга қарор қилади.

Ана шу сафар ҳақидаги ҳисобот қўйидаги сўзлар билан бошланади: «Худога шукурки, мен Тодамаладан қайтиб келдим, рост зўр қийинчилик билан ва сафардан қаноатланмай қайтиб келдим, чунки у ерда ўзим умид қилган ва кутган нарсани топмадим».

Португалиялик ўз хатининг охирида тода христиан черкови куч сарфлашга арзийдиган каб и л а эмас, деб ёзди. Епископ Жакоменинг фикрига кўшилди ва шундан сўнг португаллар тодани унутиб юбордилар.

...Кейс Нилгирида олтин ҳам, кумуш ҳам тополмади. Аммо у тик ва қора дарахт каби қимматбаҳо дарахтларни кўрди. Инглиз чиновниги Нилгирининг яна бир бойлиги борлигини сезмади, бу бойлик ҳақида у «Иқлими жуда совуқ ва доимо туман ва булутли бўлгани учун соғлиққа зарарли» деб ёзди. Ҳақиқатда эса иқлими жуда ажойиб эди: соф тоғ ҳавоси, ёзда ҳарорат 22 даражадан ошмайди, қишда кечаси ҳарорат баъзан 0 даражага тушади, ўт-ўланларни қиров қоплайди.

Сернам ва ҳавоси дим Мадрасда ўтирган чиновниклар кўкимтир тоғ ҳавосини ҳавас қила бошладилар. Нилгирида иқлим ва тупроқ чой ҳамда кофе плантацияларн учун жуда қулай эди. Нилгирига инглиз корчалонлари ёпирилиб кела бошлади. Улар ҳеч қандай ҳақ тўламай, тодаларни ҳайдаб чиқаришар, уларнинг ерига чой ва кофе дарахти экишарди, «Ост-индия» компанияси хўжайинлари бу талончиликни юридик жиҳатдан оқламоқчи бўлишади. Чиновникларнинг бутун бир армияси тода ерга ҳеч қандай ҳақи йўқлигини исботлашга уринди. Навбатдаги ноҳақлик юз берган пайтда ҳайратда қолган тодаларга:

— «Ост-индия» компаниясининг буйруғи билан шундай қиляпмиз» — деб жавоб беришарди.

Тодалар тасаввурида «Ост индия» компанияси баҳоҳл очкўз ва адолатсиз хотинга ўхшарди. Улар уни «Ост-индия компания хоним» деб атай бошладилар.

«Хоним» эса қабиланинг минглаб акр ерини тортиб оларди. Муқаддас водий чой экиш учун ҳайдалар, дарахтзорлар ўрнига кофе экишар, бузиб ташланган ибодатхоналар ўрнига «бунгало» қуришар, уларнинг хўжайинлари эса илгари тоданинг қўтослари боқиладиган жойларда гольф ўйнардилар. Армия гарнизони Ўтакаманда яқинига жойлашди. Бекорчилик ва зерикишдан қутирган инглиз аскарлари тода аёлларини зўрлик билан олиб кетишарди. Қабила аъзоларининг деярли ҳаммасига захм касали юқди. Қишлоқларда болалар борган сари камая борди. Чунки кўп аёллар захм касалидан туғмас бўлиб қолган эди. Кейин эса «цивилизация» тодалар орасига ичкиликни олиб кирди. Бир вақтлар кўп сонли бўлган ва португалларнинг ибораси билан айтганда «ҳамма нарсаси мўл-кўл» бўлган қабила очлик, касаллик ва ичкиликдан ўлиб кета бошлади. 1603 йилда Жакоме Финнчио тода қабиласида 100 киши бор, деб ёзган бўлса, 1949 йилда 484 киши қолган эди.

«Ост-Индия компания хоним» чакана иш қилмади. Ҳиндистон мустақилликка эришди-ю тода қирилиб кетиш хавфидан қутилди. Қабила захм касалларини даволаш юзасидан шошилинч чоралар кўрилди. Тодалар фарзанд кўра бошладилар. 1961 йилдаги рўйхатга кўра, ҳозир тода қабиласи 840 кишидан иборат.

Ўлиб кетаётган бу кичик қабила, қашшоқлик ва оғир кулфатларга қарамай, ўз қабила урф-одатлари, анъаналарининг софлигини, ўзига хос характерини ва ўз қабила ташкилотини сақлаб қолганлиги ажабланарлидир.

1) Амма — тода тилида она.
2) Манда — қишлоқ.

(Давоми бор)

Австрия Республикаси. Юқори Австрия водийлари шу кунларда мана шундай гўзал манзара кашф этган.

В. КОШЕВОЙ фотоси, ТАСС фотохроникаси.

СССР Фанлар Академиясининг биология институти илмий-текшириш станцияси ходимлари Куйбишев областида барпо этилган сув хавзасида балиқчиликка доир тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Суратда: станция ходимлари Н. О Руднев билан С. П. Колодколар сув ҳавзасидан тутилган балиқларни нўздан кечиришмоқда.

А. Брянов фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

ВИСТАВКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг турли павильонларида намойиш этилаётган экспонатларнинг сони кун сайин янада кўпайиб бормоқда. Шу кунларда бу ерда алоқа ва транспорт бўлимининг экспонатлари такомиллашмоқда. Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига тайёрланган нўрилаётган бир пайтда транспорт ва алоқа соҳасида фан ва техниканинг кенг қулоч ёзиб бораётганлиги ҳақида ҳикоя қилувчи янги-янги экспонатлар ташкил қилишга тўғри келди. Айниқса, қишлоқ алоқасининг ривожланишига доир тўпланган янгиликлар кишининг диққатини жалб этади.

Темирйўл транспорти бўлимига қўйилган «Ўзбекистон» поезднинг макетини кўрган томошабинлар дарров танийдилар. Бу Тошкент — Москва бўйлаб қатнайдиган поезднинг макетидир.

Виставка ходимлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллик байрамига меҳр билан тайёргарлик кўрмоқдалар. Айниқса қишлоқ хўжалиги, қурилиш, санъат бўлимлари янги экспонатлар билан бойийди.

Ҳозирнинг ўзида янги устахоналар, лабораторияларга асос солинди. 600 ўринлик кинолекторий қурилади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИНИНГ ДУРДОНАЛАРИ

1967 йилда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини нишонлаш учун ҳамма ерда қизғин тайёргарлик бормоқда. Бу санани барча совет халқлари қатори нашриёт ва китоб савдоси ходимлари ҳам муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун интилмоқдалар. Куни кеча «Правда» газетасининг бош мақоласи ҳам ана шу актуал масалага бағишланган эди. Бу мақолада кўрсатиб ўтилганидек, партия оммаининг яхши китобга бўлган эҳтиёжини қондириш учун катта ишлар қилиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. Партия, айниқса, нашриётлар олдига юбилей йилида катта вазифалар қўяди. Асосий нашрлар қаторида Владимир Ильич Ленининг 55 томдан иборат тўлиқ асарлари, Ватанимизнинг тарихи, иқтисодий ривожланиши ва географик тузилишини ўзида акс эттирган 22 томлик «Совет Иттифоқи» ҳамда 200 томдан иборат «жаҳон адабиёти кутубхонаси» серияларини нашр қилиш планлаштирилган. Бу нашрларнинг қалдирғоч китобларини сиз 1967 йилнинг биринчи ярмида олиб ўқишингиз мумкин.

Кўриниб турибдики, китоб савдоси ходимлари олдига катта талаблар қўйилган. Тошкент шаҳридаги обуна китоблари магазини бу шарафли вазифани адо этиш учун, янги йилда обунани уюшқоқлик билан ўтказиш учун тайёргарлик кўрмоқда.

1919 йил... Мамлакатда очлик, қашшоқлик ҳукм сурмоқда. Ана шундай оғир бир вақтда В. И. Ленин бошчилигида партия халқнинг маънавий бойлиги ҳақида ҳам қайғурди. Бу пайтда «Дунё адабиёти» нашриёти А. М. Горькийнинг бевосита раҳбарлиги остида жаҳон адабиёти намуналарининг кўп томлик нашрини тайёрлашга киришди. Лекин айрим сабабларга кўра бу амалга ошмай қолди.

Бир вақтлар М. Горький орзу қилган ва В. И. Ленин қувонч билан маъқуллаган серияни нашр қилиш кунлари етиб келди. Бундай ажойиб ишни СССР Фанлар Академиясининг А. М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институти ва «Бадиий адабиёт» нашриёти тайёрлади.

200 томдан иборат бўлган «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» ўн (1967-76) йилга мўлжалланган ва 1967 йилдаёқ биринчи ўн томи нашр қилинади. Ҳар бир том мақола ва шарҳлар билан таъминланади. СССР Фанлар Академиясининг А. М. Горький номидаги институт қошида 43 кишидан иборат мухаррирлар совети ташкил қилинган. Советга машҳур ёзувчилар, адабиётшунослар, совет олимлари ва моҳир таржимонлар киритилган. «Кутубхона» китобларини гўзал қилиб безаш учун энг яхши расм ва граверлар танлаб олинади. «Кутубхона» уч серияндан иборат.

Биринчи серия. Қадимги Шарқ, Антик дунё, Ўрта асрлар, Уйғониш даври, XVII ва XVIII аср адабиётларини ўз ичига олган 64 томдан иборат бўлади.

Иккинчи серия XIX аср адабиётини акс эттирган 63 томдан иборат.

Учинчи серия XX аср адабиётидан ташкил топиб 73 томлик бўлади.

Шуниси характерлики, бу асарларнинг кўпчилиги биринчи марта нашр қилинади.

Бу «Кутубхона» ҳар бир кишига жуда зарур. Олий ўқув юртларининг студентлари бу «Кутубхона»дан хрестоматия сифатида фойдаланишлари мумкин.

«Кутубхона» га кирган адабиётлар рўйхатини СССР Фанлар Академиясининг А. М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институти ва «Бадиий адабиёт» (Москва) нашриёти билан биргаликда тайёрланган.

«Кутубхона» М. Горький бошлаган ишнинг давомигина бўлиб колмасдан, балки айни замонда Совет Иттифоқида китоб нашр қилишнинг янги босқичи бўлиб ҳисобланади.

Н. МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон китоб савдоси бошқармасининг обуна китоблари магазини директори.

«КАВШАРЛАШНИ ЎРГАНИНГ»

«Ўзбекистон» нашриёти Г. И. Гуревичнинг «Кавшарлашни ўрганинг» деб аталган брошюрасини ўзбек тилида нашрдан чиқарди. Бу китобчада электр-монтаж ва электр-ремонт ишларини бажаришда кавшарлаш учун ишлатиладиган асосий материал ва асбоблар тасвирланган, турли материалларни юмшоқ ва қаттиқ кавшарлар билан кавшарлаш технологияси ёритилган, шунингдек, иш ўрнини ташкил қилиш ва кавшарлашда амал қилинадиган хавфсизлик техникаси қоидалари кўрсатилган.

Китобча электр-монтаж ишларини бажариш, электр ускуналарини ремонт қилиш ва электр установкаларини ишлатишда кавшарлаш билан шуғулланадиган электромонтёрлар ва слесарларга мўлжалланган. Қишлоқ электр установкаларида хизмат қиладиган электромонтёрлар ҳам бу китобчадан фойдаланиши мумкин.

«ҚИЛ КЎПРИК»

Дам олиш куни. Октябрь районидаги 2-Чимбой кўчасининг охирида автобус кутиб, дўстлар билан суҳбатлашиб турибмиз. Бир нарса кўпдан буён бу жойнинг нуқсони бўлиб қолмоқда. У ҳам бўлса қадимдан буён «хотин кўприк», деб аталиб келаётган эски кўприкдир.

Кўприкдан хо пиёда, хо машинада ўтган киши кўзини чирт юмиб, ёқасини ушлайди. Энсиз кўприк остида 5—6 метр жарликда оқаётган сув «жаҳаннам»дек бўлиб кўринади. 3-автомобиль паркининг раҳбарлари 38-маршрутда қатновчи автобусларнинг бу кўприкдан пассажирлар олиб ўтишини тақиқлаб қўйишган. Чунки кўприк авария ҳолатида, деб топилган.

Кўприкнинг нариги ёнидан бир бульдозер шаҳар томонга ўтишга уриниб кўрди. Лекин, бульдозернинг ер текислаш қисми кўприк четларида бузилиб осилиб ётган темир таянчларга тегиб қолди. Орқага қайтди. Бульдозерчи қайтадан машинасини йўлга солди. Неча киши унинг хавфсиз ўтиши учун олдинда йўл кўрсатиб турди. Бульдозер ўрмалаб ўтгунча ҳар икки томонда машиналар навбат кутиб турибди. Бу «қил кўприк»дан ўтишнинг бошқача чораси йўқ.

Шу ердаги пассажирлар бульдозерчини тўхтатиб, ўз илтимосларини айтишди.

— Ўрток! Шу ўйдим-чуқурларни текислаб беролмайсизми?

— Нима учун зарур бўлиб қолди?

— Кўрмайсизми, ҳозир ёнингарчилик. Автобус мана шу пастбаланд шудгордан айланиб орқага қайтяпти. Шу аҳволда колиб кетса, қатновчиларнинг йўли яна икки остоновкага узоқлашади.

— Ундай бўлса майли, деди-да Дмитрий Ильич бульдозерини ҳайқиртириб ишга солди.

Майда босар автобуснинг навбатдагиси келгунча майдонча ҳам текисланди. Барча йўловчилар 90-механизация колоннасининг бульдозерчиси Д. И. Ширишковга ташаккурлар айтдилар.

— Ташаккурнинг ҳожати йўқ. Мен бир қурилишдан ишимни адо этиб, иккинчи қурилишга кетаётгандим, деди камтар йигит.

Бу хушмуомала ва ҳожатбаро йигит ўзининг бир дақиқалик иши билан қанчаданқанча кишиларнинг дилида ўчмас из қолдирди.

Ёқавайрон кўприкдан ўтсангиз, кўз олдингизда ажойиб манзаралар намоён бўлади: чап томонда «Қизил Ўзбекистон» маҳалласининг юзга яқин оиласи истиқомат қилиб турибди, меҳнаткашларнинг юзлаб болаларини тарбиялаётган 2-болалар уйи. Ўнг томонда ўнга яқин шифобахш клиникага эга бўлган 10-шаҳар касалхонаси. Ундан нарида кар-соқов болалар мактаб-интернати. Бу муассасаларда қанчаданқанча кишилар яшаб, меҳнат қилаётганлигини бир кўз олдингизга келтиринг-а!

Совет Иттифоқида биринчи қурилаётган Олимпиада шаҳарчаси. Оналар ва болаларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институти учун қурилаётган янги-янги бинолар ана шу массивда қад кўтармоқда.

Қурилишлар жадал суръатда олиб бориляпти. Ўнлаб тонна қурилиш материаллари ортган машиналар, оғир экскаватор ва бульдозерларнинг бошқарувчилари кўприк тепасига етгач, ҳанг-манг бўлиб қоладилар. Ўтмай иложинг қанча! Қурилишлар материал кутиб турган бўлса. Махсус автобуслар бинокорларни ҳар куни қурилишга, ишдан кейин эса, белгиланган жойларга шу кўприкдан элтиб қўяди. Бу, хавфли-ку!

Шу нарса ачинарлики, меҳнаткашлар болаларининг ўқишлари учун мактаб, боғчаясли каби биронта ҳам болалар муассасаси йўқ бу ерда. Бирор зарурат туғилиб қолса. лоақал автомат телефон ҳам топа олмайсиз. Бундай заруратлар киши ҳаётида қам учрайди, дейсизми?

Октябрь район ижроия комитетидаги ўртоқлар маҳалла аҳлининг талаб ва эҳтиёжларига қулоқ солсалар яхши бўларди. Бу «ўгай» маҳалла меҳнаткашлари ҳақида гамхўрлик қилиш вақти етгандир.

А. ОБИДХУЖАЕВ,
Г. КАРИМОВ,
халқ маорифи аълочиси.
В. М. КИСИЛЕВА,
95-алоқа бўлими бошлиғи.

ФАН ОЛАМИДА

Миллион йилда бир марта

Ернинг магнит майдони муайян даврларда ўз қутбини ўзгартириб турган [баъзи жойлардаги магнит қутблари ўзгариб турган] деган таҳмини исботловчи янги далил топилди.

Ердаги магнит майдонининг планета миқёсида ўзгариб туриши тўғрисида Ленинградда тўпланган маълумотлар палеомагнит геохронология шкаласини тузишга асос қилиб олинди. Бу шкала Ер магнит майдонининг кейинги бир ярим миллиард йил давомидаги ўзгаришларини акс эттиради.

Бутуниттифоқ нефть геология разведка илмий-тадқиқот институти палеомагнит лабораториясининг раҳбари А. Храмов ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Шундай қилиб. ернинг ичкари қатламларида рўй бераётган сирли жараёнларни тушунишга имкон берувчи манзара вужудга келтирилди.

Қутблар таҳминан ҳар миллион йилда бир марта ўзгариб турган, бу ўзгаришлар планетадаги тектоник фаолиятининг кучайиш даврлари билан боғлиқдир. Шундай даврларда тоғ жинсларининг қатламлари пайдо бўлаверган.

(ТАСС мухбири).

Чилонзор массивидаги газета витриналари ёнида. Рассом Ж. ТАХТАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

20 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 А. Мухтор «ОПА-СИНГИЛЛАР». Романнинг инсценировкалаштирилган боби (ўзбекча). 18.30 **Ўзбекистон кекса ижрочиларининг концерти.** 19.20 Қорақалпоқ куйлари. 20.00 «Эртанги кун режалари». Фарғона область партия комитетининг секретари А. Гаврилов суҳбати (русча). 20.10 «Жангчи ўртоқлар, сизлар учун» деган концерт. 20.45 Илмий-атеистик мавзуларда **«Дин ваъда қилади, медицина даволайди»** деган эшиттириш (ўзбекча). 21.20 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт. 22.00 **«Дунё воқеалари** (ўзбекча). 22.10 **Халқ талантлари концерти.** 22.40 **Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари.** Жонрид Абдуллахоновнинг «ТУФОН» романидан парча (рус). 23.20 **«Янги Тошкентни қурувчилар, сизлар учун»** деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Куба «Бокукос» ансамблининг концерти. 19.00 **Ўзбек кинофильмларидан куйлар.** 19.30 Ойбек. «НАВОИЙ». Поэмадан парчалар (ўзбекча). 20.10 **Ўзбек балетларидан рақслар** 20.45 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси (русча). 21.00 Тожик рақс куйлари. 21.30 Сиз ёқтирган артистлар концерти.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Н. А. Римский-Корсаков. «Май тунги» операсидан парчалар. 17.30 С. Юдаков **«Майсаранинг иши»** операсининг монтажи.

21 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 **Шу куннинг қўшиқлари.** 9.30 Енгил куйлар. 10.10 Совет қўшиқлари концерти. 10.30 Ўзбекистон композиторлари союзи Пленуми олдидан. Республика композиторларининг лирик қўшиқлари. 11.10 **«Безорига шафқат йўқ».** Андижон область ижроия комитети жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг бошлиғи А. Юсуфбеков сўзи (ўзбекча). 11.25 **Ўзбек халқ куйлари.** 12.15 Спорт эшиттириши (русча). 12.30 Музикали драмалардан парчалар. 13.30 Классик куйларни севучилар учун концерт. 16.15 Ўзбекистон композиторлари союзи Пленуми олдидан. Симфоник куйлар. 17.00 «ЕШЛИК» **радиостанциясининг программаси** (ўзбекча). 18.10 Енгил куйлар. 18.30 **Куйларкетидан куйлар.** 19.20 Қозоқ куйларидан концерт. 20.00 Республика шаҳарлари ҳақидаги қўшиқлар. 20.45 «Олмалиқ машъаллари». Радиоочерк (ўзбекча). 21.20 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 22.00 Коммунистик ахлоқ темаларида профессор А. Харчевнинг **«Оиланинг жамиятдаги ўрни»** деган суҳбати (ўзбекча). 22.15 Рақс куйлари. 22.40 Поэзия кечаси. 23.20 Ўзбекистон композиторлари асарларида Навоий лирикаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Енгил оркестр куйлари. 19.00 Урал рус халқи хорининг концерти. 19.30 С. Бородин. «Самарқанд устида юлдузлар» романидан парча (ўзбекча). 20.10 «ЕШЛИК» **радиостанциясининг программаси.** 20.50 Мордова радиосининг эшиттириши (русча). 21.00 Композитор З. Шоҳидий асарларидан концерт (тожикча). 21.30 Болтиқ бўйи республикалари халқларининг қўшиқ ва рақслари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Ш. Рашидов. «БЎРОНДАН КУЧЛИ» романи асосида радиопостановка. 16.00 **Ўзбекистон композиторлари союзи Пленуми олдидан. М. Юсуповнинг** «ХОРАЗМ ҚУШИҒИ» операсининг монтажи.

Телевидение

20 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида:

18.00 Телевизион янгиликлар. 18.20 Ўқувчилар учун. **«Ёш панфиловчилар».** Телеинсценировка. 18.45 Миллионлар университети. 19.05 М. Шайхзода. Шоир блокнотидан. 19.25 Ўзбекистон композиторлари союзи Пленуми олдидан. «Музика ва ҳаёт». 20.10 Эшиттиришлар программаси.

Рус тилида:

20.15 Телевизион янгиликлар. 20.30 Совет чекистларига бағишланган эшиттириш. 21.20 «Мангу унутилмас кунлар». Ҳужжатли фильм. 22.00 «УЗОҚ СОҲИЛДА». Бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида:

18.00 Ўқувчилар учун: Адабий викторина. 18.30 «Кескин кўтарилишда». Телеочерк. 18.45 «Ҳаёт қадамлари». Телефильм. 19.30 Тошкент янгиликлари.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Ўқувчилар учун. Болалар бадиий ҳаваскорларининг концерти. 20.20 «Мекон алангаси». Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти ташкил қилинганлигининг олти йиллиги олдидан. 20.40 Музика машъали. 20.50 Бошланғич сиёсий мактаб тингловчилари учун «Сиёсий билимлар асоси». Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун. 21.30 Хоккей бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. СССР — Финляндия. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар. 23.40 Телевизион янгиликлар. 24.00 Москва эшиттиришларининг охири.

21 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Телевизион янгиликлар. 18.20 «Юлдузча». Телевизион журнал. 19.00 **Телетомошабиларининг талабларига мувофиқ Тожикистон санъат усталари ижросида концерт.** 19.40 «Фанга бағишланган умр». Телеочерк. 20.00 Эшиттиришлар программаси.

Рус тилида:

20.05 Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.20 «Вақт ва одамлар». 21.00 «Ҳаваскорлар санъати Бутуниттифоқ фестивали. 21.30 Ватан панорамаси. Таллиндан олиб эшиттирилади. 22.00 М. Горький. «Уч киши» Телевизион спектаклнинг премьераси. (1-серия). 23.30 Телевизион янгиликлар. 24.00 Москва, эшиттиришларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

17.00 Ўсмирлар учун эшиттириш. 17.40 «Қора Тисса». Илмий-оммабоп фильм. 18.00 Рус қўшиқларидан концерт. 18.35 «XX аср мушкетёрлари». Ҳужжатли фильм. 18.45 Тошкент янгиликлари.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/XII да **Ўгирланган умр,** 21/XII да **Қотил.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/XII да **Қари қиз.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Пиртқич ҳайвонларни ўргатувчи **Иван Рубан,** ўзбек **цирк коллективи** ва **қизиқчилар** группаси.

Кино театрларда

20 ДЕКАБРДА

Уруш ва тинчлик (2-серия)— САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 5 ярим ва 7 яримда).

Дераза ёнидан поездлар ўтади— «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, 4, кеч 6 ва 8 да), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 11, кундуз 1, 3 ва кеч 9-45 минутда), НАВОИЙ номли (эрталаб 10, 11-40, кундуз 5 ва кеч 10 да).

Борис — «ДРУЖБА» (2-залда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Наташахоним (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим, 3-20, кеч 6-40 ва 8-20 минутда), СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб 10, 11 ярим ва кеч 10 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (рус тилида эрталаб 10, кундуз 12 ва кеч 9-45 минутда).

Бағритошнинг ўғиллари (1 ва 2-серия)— СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 1, 4, ва кеч 7 да).

Эшик тутқичли комедия — «МИР» (кундуз соат 1, 5 ва кеч 7 да).

Кўр қуш — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

21 ДЕКАБРДА

Уруш ва тинчлик (2-серия)— САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 5 ярим ва 7 яримда).

Поездлар дераза ёнидан ўтяпти — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, 4, кеч 6 ва 8 да), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 11, кундуз 1 ва 3 да), НАВОИЙ номли (эрталаб 10, 11-40, кундуз 5 ва кеч 10 да).

Наташахоним — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 9-45 минутда), СОБИР РАҲИМОВ номли (ўзбек тилида эрталаб соат 11 ярим ва кеч 10 да).

Борис — «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Бағритошнинг ўғиллари (1 ва 2-серия)— СОБИР РАҲИМОВ номли кундуз соат 1, 4 ва кеч 7 да).

Эшик тутқичли комедия — «МИР» (кундуз соат 1, 5 ва кеч 9 да).

Спорт

СПОРТЧИ ҚИЗЛАР

В. И. Ленин номидаги республика хотин-қизлари педагогика билим юртининг физкультура ва спорт бўйича раҳбари Рихси Содиқов бизни унча катта бўлмаган залга бошлади.

Залда жимжитлик ҳукм сурарди. Столатрофида ўтирган қизларнинг бутун эътибори шахмат доскасига қаратилган. Машғулотни кўздан кечириб турган 1-разрядли шахматчи Марҳабо Турғунова шахматчи қизлардан доналарни юришдан олдин пўхта ўйлашни талаб қиларди. Чунки Марҳабонинг ўзи ҳам ҳақиқий шахматчи бўлишга осонликча эришгани йўқ.

Марҳабо билим юртига биринчи бор қадам қўйганда оддийгина ҳаваскор шахматчи эди.

Бундан 2-3 йил илгари у фақатгина шахмат доналарини бир жойдан иккинчи жойга қўйишни биларди холос. Лекин уларнинг кескин ўйин пайтидаги аҳамиятини тушина олмасди.

Бунинг учун унга тажрибали шахматчиларнинг маслаҳати, уларнинг китобларини қайта-қайта ўқиш ва ўрганиш керак эди. Етук шахматчилар ўйинини кузатиб борди.

Тинимсиз қилинган меҳнат зое кетмади. У бир қатор шахмат мусобақаларида иштирок этиб, ўзининг чиройли ўйини билан шахмат шинавандаларининг олқишига сазовор бўлди.

Марҳабо Турғунова шахмат бўйича республика биринчилиги учун бўлган мусобақаларда иштирок этиб, фахрли 2-ўринни ва шаҳар техникумлари учрашувида эса биринчи ўринни эгаллади.

Тажрибали шахматчи Марҳабо шахматдаги билимини бошқаларга ўргатиш мақсадида, ўзи тарбия олаётган жонажон билим юрти қучоғида шахмат тўгарагини ташкил қилди.

Ҳозирги кунда бу тўгарак рўйхатида 35 дан ортиқ қизларнинг номларини кўрасиз. Бу қизлар ҳам устози Марҳабо Турғунова сингари тинимсиз меҳнат билангина ҳақиқий шахматчилар бўлиб етишиш учун интилишаётганлиги шахмат тахтасидаги машғулот лариданоқ сезилиб турарди.

Қўшни залда Н. Квитная бошчилигидаги гимнастикачи қизлар машқ ўтказишмоқда эди. Залнинг ўртасида туриб машғулотни кузатиб турган Н. Т. Квитная спортчи қизлардан хоҳ брусда, хоҳ арқонда, хоҳ конда машқ бажаришаётган бўлмасин, қоидага риоя қилишини талаб қилади.

3-разрядли Тожихон Сиддиқова, Мунаввар Аъзамова, Салима Қаноатовалар ўзларининг чиройли ўйинлари билан ҳаммани қойил қолдирмоқдалар. Бундай разрядли гимнастикачи қизларни билим юртида ўнлаб топиш мумкин.

Билим юртида волейбол ўйинига ҳам катта аҳамият берилмоқда. 140 га яқин қизлар волейбол билан шуғулланиб келади. 26 2-разрядли. 111 3-разрядли волейболчи ва 39 жамоатчи судьялар бор.

Муҳаббат Абдусаттарова, Муҳайё Содиқова ва Муҳаббат Ваҳобова тажрибали волейболчи қизлар ҳисобланади. Шуниси қувонарлики, билим юртида ҳозирги кунда 156 ўқувчи қиз 3-разряд эгасидир. 48 ўқувчи қиз инструкторлардир.

В. И. Ленин номидаги республика хотин-қизлар билим юртида ҳаммаси бўлиб 690 ўқувчи қиз бўлиб, шулардан 550 ўқувчи спортнинг барча тури бўйича шуғулланиб келмоқда.

Билим юртида спорт тобора оммадашиб бормоқда.

А. МАДРАҲИМОВ.

СУДЬЯНИНГ ХАТОСИ

Спортдаги судьялар камдан-кам хато қилса ҳам, ҳар ҳолда бундай ҳоллар учраб туради. Мамлакат чемпионларидан бири бўлган, Петр Головкин мусобақаларда бирида 100 метрлик масофага биринчи бўлиб етиб келди ва кўкраги финиш лентасига биринчи бўлиб урилди. Унинг дўстлари қуршаб олиб, табриклай бошладилар. У эса табрикловчилардан биронтасига ҳам эътибор бермай, тўғри судьялар томон йўналди.

— Юз метрлик масофа нотўғри ўлчанган, — деди у бош судьяга. Головкинга ҳеҳким ишонмади. Бўлиши мумкин эмас, — деди судьялар.

— Масофа ўлчаб кўрилсин, — деб сўзида туриб олди Головкин. Ўлчаб кўришди. Спортчи ҳақ экан.

Моҳир спортчи ҳар югурганида масофа давомида доимо маълум бир қадамлар сонини ташлаб ўтади. У югуриш давомида уларни саналмайди, албатта. Бу ҳақда ўйламайди ҳам. Аммо ҳамма нарса автоматик тарзда маълум бўлади. Ҳар гал 100 метрга югургандаги ташланган бир қадамнинг узунлиги, кейинги гал югурилганда ташланган қадамнинг узунлигига тенг бўлади.

Головкинда доимо шундай бўлар экан. Финишга ҳар гал биринчи бўлиб етиб келганда, унинг ҳолати доимо бир вазиятда бўлар ва бу гал эса бошқа вазиятга тушиб қолган экан.

Албатта, бу нарсага, ҳар ким ҳам аҳамият бермаслиги мумкин. Аммо моҳир спортчилар ҳар бир нарсага эътибор берадилар.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 22-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор 83-02-49 дан 83-02-58 гача. Қушнича телефонлар: секретариат ва иллюстрация бўлими — 5-62; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари бўлими—3-66; саноат, қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими — 3-66; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — 7-83; фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлими — 7-83; физкультура ва спорт бўлими — 3-79; Ахборот бўлими — 3-78; (шаҳар телефони 83-65-57); хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 3-79; эълонлар бўлими — 5—07 (шаҳар телефони — 83-81-42).

20 ДЕКАБРЬ, 1966 Й. Р. 12924 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр. Г. 2928.